ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАКУЛЬТЕТИ

5480100-Амалий математика ва информатика йўналиши
08.406-гуруҳ битирувчиси Муталипова (Жўраева) Тоҳира Ғайратжоновнанинг

**“PHP технологияси асосида Фарғона компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежининг WEB сайтини яратиш”**

мавзусидаги

# БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий рахбар: физика-математика фанлари номзоди Т.Тожиев

Фарғона – 2012

Битирув малакавий иш кафедранинг 2012 йил ___ ______ ______даги йиғилишида муҳокама қилинган ва ҳимояга тавсия этилган.

Кафедра мудири ________________ К. Каримов

Тақризчилар 1. Т.Тожиев

2. С.Абдураҳмонов

**РЕЖА:**

КИРИШ

I.БОБ. ИНТЕРНЕТ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ.

I.1. Таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш.

I.2. Internet тармоғида ишлаш.

II.БОБ. PHP ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ФАРҒОНА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КАСБ ҲУНАР КОЛЛЕЖИ WEB САЙТИНИ ЯРАТИШ.

II.1. Ахборот технологиялари ва тизимлари хақида.

II.2. Web сахифа яратишда PHP дастурлаш тилидан фойдаланиш.

II.3. PHP дастурлаш тили. PHP ни ШЭҲМга ўрнатиш.

II.4. HTML ва PHP нинг биргаликда ишлатилиши.

II.5. Web саҳифасининг структураси.

III.БОБ. ТАДБИҚ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ.

III.1. Web саҳифадан фойдаланиш йўриқномаси .

ХУЛОСА.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

ИЛОВА.

## КИРИШ

Республикамизда олиб борилаётган ислохотларнинг такдирида юқори малакали мутахассисларнинг роли бенихоя каттадир. Президентимиз таькидлаганларидек: «Эртанги кун янгича фикрлай оладиган, замонавий билимга эга бўлган юксак малакали мутахассисларни талаб этади». Шу сабабли халқимизнинг бой интеллектуал мероси ва умумбашарий кадриятлари, замонавий маданият, иктисодиёт, фан, техника ва технологиялар асосида етук мутахассислар тайёрлаш тизими ишлаб чикилди ва жадал суръатлар билан хаётга тадбиқ этилмокда. Таълим тизимидаги чуқур ва кенг кўламли ислохотларнинг мазмуни ва амалга ошириш муддатлари Ўзбекистон Республикасининг «Таьлим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да ўз ифодасини топган. Жумладан, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таькидланганидек, «Кадрлар тайёрлаш тизими ва мазмунини мамлакатнинг ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти истиқболларидан, жамият эхтиёжларидан, фан, маданият, техника ва технологиянинг замонавий ютукларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуриш» лозим. Бу ишларни амалга оширишда ўрта махсус, касб-хунар таьлими вазифалари алохида эьтиборга лойиқдир. Ҳозирги кунда таьлим тизимида янги босқич бўлган касб-хунар таьлимини зарур меьёрий хужжатлар, замонавий техника ва технологиялар билан таьминлаш борасида бир қатор ишлар амалга оширилди ва оширилмокда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг қарори билан «Ўрта махсус, касб-хунар таьлимининг давлат таьлим стандарти» ва «Ўрта махсус, касб-хунар таьлимининг умумтаьлим фанлари давлат таьлим стандарти» тасдиқланди. Уларда кўрсатиб ўтилганидек, ўрта махсус, касб-хунар таьлими муассасаларининг битирувчиларига қўйиладиган фундаментал фанлар ва аниқ касб сохаси доирасида назарий ва амалий билимларга эга бўлиш, компьютер ва телекоммуникация воситаларидан фойдалана олиш, ўкув фанлари бўйича олий таьлим муассасаларида тахсил олиш учун зарур бўлган

билимлар мажмуасига эга бўлиш вазифаси қўйилган. Шу талаблардан келиб чиққан ҳолда, касб-хунар коллежлари учун «Информатика» фанидан намунавий ўқув дастури ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таьлим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таьлими Маркази томонидан тасдиқланди.

«Ёшликнинг эпчиллик ва бардошлилигини фаолиятнинг шундай соҳасини излашга ишлатиш керакки, бу фаолият етарлича ички мазмунга ва етарлича реал қимматга эга бўлиб, сенга бутун хаётинг давомида танлаган йўналишинг бўйича унумли ишлаш имконини таьминласин», деган эди кибернетика фанининг асосчиси Норберт Винер.

Бугунги кунда касб-хунар йўналишларининг замонавийлиги уларнинг компьютерлаштирилганлик даражаси билан ўлчанмокда.

Ҳозирги кунда ўқув юртлари, касб-ҳунар коллежлари, умумтаьлим мактаблари компьютерлар билан жихозлантирилган. Бугунги пайтда глобал муаммоларни ечиш учун биз компьютерлардан фойдаланамиз. Компьютер ёрдамида жараёнларни назорат қилиш ва бошқариш ишлаб чиқариш жараёнида юқори самара, иқтисодий ютуқлар, хавфсизлик холатларини яратиш, аниқликларни ошириш имкониятлари ва қулайликларни яратиб бермоқда.

Дастлабки компьютер 1945 йил АҚШ нинг Пенсилвания университетида ЭНИАК номи билан яратилган. У электрон лампалардан иборат бўлиб, математик ҳисоблаш амалларини бажариш учун мўлжалланган. Маҳлумотларни сақлаш перфокарталарда амалга оширилган.

1948 йил компьютерларда электрон лампалар ўрнини транзисторлар эгаллади. 1958 йилда интеграл микросхемалардан тузилган учинчи авлод компьютерлари яратилди.

1961 йил компьютерлар телефон тармоғига код орқали уланди. 1973 йилда универсал дастурлаш тили “С” ва UNIX операцион системаси яратилди.

1975 йилда Microsoft компанияси яратилди. 1976 йилда Apple компьютери яратилди. 1981 йил IBM фирмасининг 8086 микропроцессорли шахсий компьютери яратилди. Кейин эса Pentium (I, II, III, IV) компьютерлари яратилди.

Ҳозирги пайтга келиб жуда яхши ишлаш имкониятига эга бўлган компьютерлар яратилмоқда. Мисол учун супер компьютерлардир. Бу компьютерлар орқали кўплаб тизимларида ишлаш мумкин. Масалан, интернет тизими билан ишлаш имкониятига эгадир.

Бугунги кунда компьютер ва ахборот технологиялари, телекоммуникациялар тармоқларини, маълумотлар узатишни, Интернет хизматларига кириб боришни ривожлантириш ва замонавийлаштириш республикамизда ҳам устувор ўринларга чиқмоқда.

Иқтидорли ёшлар иштирокида республикада интернет-фестиваллар, интернет-форумлар ўтказиш одат бўлиб қолди, шаҳарлар ва қишлоқларда интернет тармоғидан жамоа бўлиб фойдаланиш пунктлари сони тобора кўпаймоқда, ахборот хизматлари турлари сезиларли даражада кенгаймоқда, уларнинг сервиси янада интеллектуалроқ бўлиб бормоқда.

Мамлакат Президенти Ислом Каримов 2001 йил май ойида Олий Мажлиснинг V сессиясида сўзлаган нутқида компьютерлаштириш иа ахборот технологияларини ишлаб чикаришга, мактаблар ва олий ўқув юртлари дастурларига, одамларнинг кундалик турмушига жорий этиш бўйича Ўзбекистоннинг юксак даражаларга эришиши юзасидан аниқ вазифаларни қўйди.

Жамиятни компьютерлаштириш, ахборот технологияларини ривожлантириш бўйича вазифаларни хал этиш учун 2002 йил 30 майда Ўзбекисон Республикаси Президентининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» ги Фармони қабул қилинди. Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ахборотлаштиришнинг миллий тизимлари барпо эгилишини, иқтисодиётга ва жамиятнинг Ҳар бир аъзоси хаётига компьютер техникаси ва ахборот

технологиялари оммавий жорий этилиши учун шарт-шароитларни таъминлайди, жаҳон бозорида мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатбардошлилигини оширади.

Президент фармонини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси қарор қабул қилди ва 2002-2010 йилларда компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш дастурини тасдиқлади, уларда телекоммуникациялар ва маьлумотлар узатишни ривожлантириш, ресурслардан фойдаланиш, интернет тармоғида ўз сайтларини яратишнинг мақсадли йўналишлари белгиланди.

Иқтисодиёт тармоқлари ва жамиятнинг ахборотни тезкор айирбошлашга, жаҳон ахборот ресурсларига кириб боришга бўлган юқори эҳтиёжи, таълим жараёнларини ва кишиларнинг кундалик турмушини компьютерлаштириш зарурияти, шунингдек ахборот ва маълумотлар базаси сақланишини таъминлаш эҳтиёжи ушбу муҳум қарорлар қабул қилиниши учун асос бўлади.

Дастурда телекоммуникацияларнинг янги объектларини қуриш назарда тутилган. Жумладан, 2005 йилда халқаро каналлар сонини анча кўпайтириш, уларни 100 фоиз рақамлаштириш мўжалланган, минтақавий даражада каналлар сони 50 мингтагача кўпаяди ва рақамлаштиришнинг 72 фоизига эришилади. Ахборотни айирбошлашни автоматлаштириш 98 фоизга етади.

Агар бугунги кунда 62 олий ўқув юртидан фақат 40 таси, 531 коллеж ва лицейдан 22 таси интернет тармоғига кириш имкониятига эга бўлса, 2010 йилда интернет тармоғига кириб бориш имкониятига эга бўлган мактаблар, лицейлар ва коллежлар сони 10-15 баравар кўпаяди.

Маълумотларни узатиш тармоғи сезиларли даражада ривожланади. Жорий йилнинг охиридаёқ камида 235 та янги маълумотлар узатиш узеллари барпо этилади. 2010 йилда эса интернетдан жамоа бўлиб фойдаланиш портлари сони 45 000 тани ташкил этади. Аҳоли орасида фойдаланувчилар сони 55,6 минтадан 3321 мингтага ўсади ёки оилалар-нинг деярли 60 фоизи ушбу жаҳонга машҳур ва ривожланган ахборот тармоғи хизматларидан фойдаланади.

Республиканинг барча аҳоли пунктлари, шунингдек бошқарув органлари ва хўжалик юритувчи субъектлар учдан икки қисми интернетга уланади.

Дастурий воситаларни ишлаб чиқиш, мамлакатмизнин кунда компьютер техникаси ва буюмларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш чора-тадбирлари биринчи даражали вазифалар этиб белгиланган. Шу муносабат билан компьютерлар ва улар учун бутловчи буюмлар, дастурий воситалар келтириш, ўқитиш ва ахборот хизматлари кўрсатиш бўйича бир қанча солиқ ва божхона имтиёзлари жорий этилади.

Қабул қилинган хужжатларда компьютерлаштириш ва ахборот технологиялари соҳасида кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлашни ривожлантириш ва такомиллаштиришнинг аниқ вазифалари олдинга қўйилган ва мақсадли йўналишлари ифодалар берилган.

Мавзунинг долзарблиги:

Юқоридагилардан кўринадики коллежларнинг ҳам интернет тизимида ўзининг саҳифасига эга бўлиши, коллеж ҳақидаги маълумотларни бутун дунёга таништириш мақсадида ўз сайтини яратиши долзарб муаммо бўлмоқда. Ушбу битирув малакавий иш айни шу мақсадда, яни Фарғона компьютер технологиялари касб–ҳунар коллежи сайтини лойиҳалаш ва яратишга бағишланган.

## I.БОБ. ИНТЕРНЕТ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ

### I.1.Таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш

Асримизни глобаллаштириш ва ахборотлаштириш асри деб юритилмокда. Дарҳақиқат ҳар томонлама ривожланаётган жамият тараққиётини ахборот технологияларисиз, айниқса компьютерларсиз тасаввур этиш мушкул. Ахборот - коммуникация технологиялари (АКТ) соҳаси инсон фаолиятининг юқори суръатларда, шиддат билан ривожланиб бораётган алоҳида соҳаларидан ҳисобланади. Электрон ҳисоблаш машиналарининг биринчи авлодидан иккинчи авлодига ўтиш даври йиллар билан ўлчанган бўлса, эндиликда бир неча ойлар давомида уларнинг янги авлодлари, турлари яратилмоқда. Ҳозир шундай давр келдики, компьютерлар ўзининг янги авлодларини яратишда ва лойиҳалашда ўзи ҳам бевосита иштирок этиб, ушбу тараққиёт жараёнида муҳим омил бўлиб қолмоқда. АКТга нисбатан талаб ва эҳтиёж интернетнинг яратилиши билан янада ортди. Айнан мана шу янги технологиялар иқтисодиётимизнинг барча йўналишларига, жумладан таълим соҳасига ҳам жадал суръатларда кириб бормоқда. Бу эса таълим тизимида, хусусан ўқув жараёнларини ташкил этиш ва амалга ошириш, ўқув-услубий таъминотни ривожлантириш, айниқса ўқув машғулотларини ўтиш ва ўзлаштириш самарадорлигини ошириш борасида янгича мазмун ва моҳият шаклланишига асос яратмоқда. Таълим соҳасидаги атамалар рўйхатида «электрон дарслик», «масофавий ўқитиш курси», «виртуал тажриба стенди», «виртуал устахона», «видеоконференция», «электрон форум», «виртуал синф» каби янги сўзлар пайдо бўлди. Талабаларимиз, нафақат талабаларимиз, балки педагог ўқитувчиларимиз ҳам эндиликда фақат қандайдир таом истеъмол қилиш мақсадидаги кафеларда эмас, балки ахборот озуқасини олиш мақсадидаги Интернет-Кафеларда вақт ўтказадиган бўлмоқдалар. Бунда анъанавий кафелардаги каби баланд

товушда мусиқа янграмайди, столни устида турли таомлар йўқ бўлиб, аксинча, сокин муҳит ва столни устида ҳам ўқитувчи, ҳам яқин дўст саналувчи компьютер бўлади. Ҳозирги вақтларда Интернет-Кафелар таълим муассасаларида ҳам кўплаб ишга туширилмоқда.

Маълумки, 2002 йил 30 майда Республикамиз Президентининг ПФ-3080-сонли «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш тўғрисида» Фармони эълон қилинган бўлиб, мазкур фармоннинг бажарилишини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2002 йил 6 июнда 200-сонли «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва Ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарор қабул қилинган эди. Мазкур ҳужжатлар республикамизда ахборотлаштирилган жамият ташкил этишда, барча соҳаларда АКТ ва интернетни кенг жорий этишда катта туртки бўлди ва ушбу соҳани жадал ривожланишида муносиб замин яратди. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида ҳам таълим тизимини ахборотлаштириш масалаларига жуда катта эътибор қаратилмоқда. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг ҳозирги кунда амалга оширилаётган 2-босқичи бўйича белгиланган асосий вазифалардан бири – таълим сифатини оширишдир. Айнан мана шу вазифани таълим тизимига замонавий АКТ тадбиқ этмасдан бажаришни кўз олдига келтириб бўлмайди. Бунга асосий сабаб бўлувчи омилларни кўриб чиқайлик.

1. Талабаларга етказилиши лозим бўлган ахборотлар оқимининнинг муттасил ортиб бораётганлиги. Кишилик жамияти шакллана бошлаган вақтдан бошлаб, то 20-аср бошланишигача бўлган даврда тўпланган ахборотлар хажми 1980 йилгача, яъни 80 йил ичида иккиланган. Сўнгра 1990 йилгача, яъни 10 йил ичида ахборотлар ҳажми яна иккиланган. Эндиликда эса ахборотлар ҳажми ҳар 2 - 2,5 йилда иккиланиши кузатилмоқда. Табиийки, ахборотлар ва улар билан боғлиқ бўлган маълумотлар ҳажмининг ортиб бориши ўқув машғулотларида ҳам ўз инъикосини топиши лозим.

Лекин ҳар 2-2,5 йилда ўқув машғулотларига ажратилган академик соатларни икки баравар ошириб бориб бўлмайдику. Демак, ўқув материалларини тайёрлашда ва талабаларга тавсия этишда янгича услублардан ва ёндошувлардан фойдаланишимиз лозим бўлади. Айнан мана шунда АКТ қўл келувчи педагогик восита сифатларини намоён этиши мумкин. Интернет орқали талабалар ўтирган жойида, нафақат ўзи ўқиётган таълим муассасасидаги, балки дунёнинг турли четкаларидаги таълим ресурсларидан фойдаланиш, ўқув базаларидаги ва кутубхоналаридаги ўқув материаллари билан танишиш имкониятига эга бўлиши мумкин.

2. Ўқув машғулотларини ўтиш ва ўзлаштириш самарадорлигини ошириш. АКТ ўқув машғулотларни ташкил этишда, талабаларга тавсия этишда ва талабаларнинг тавсия этилаётган ўқув материалларини тўлиқ ўзлаштиришларида қўл келувчи восита бўлиб, ўқув материалларини тингловчиларга тушунарли ва жонли, қисқа муддатда кўп маълумотларни етказиб бериш каби юқори самарали педагогик - дидактик хусусиятлари билан ажралиб туради.

3. Ахборот маданиятини шакллантириш. АКТни таълим жараёнларига тадбиқ этилиши талабаларнинг, нафақат талабаларнинг, балки педагогларнинг ҳам ахборот маданияти давр билан ҳамнафас тарзда шаклланишига муносиб замин яратади. Инчунун, ахборот маданияти ахборотлаштирилган жамиятни яратишда муҳим аҳамиятга эга бўлган компонентлардан ҳисобланади.

4. Таълим жараёнларининг ижобий кўрсаткичларини кескин ортиши. Баъзан айрим педагогларимиз талабаларнинг дарсга қатнашишларидан, билим доираларидан «нолиб қолишларини» гувоҳи бўламиз. Албатта, ҳамма талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичлари, салоҳиятлари бир хил эмас. Бунинг сабаблари ҳам турлича. Лекин бир нарсани эътироф этиб ўтишимиз ҳам фарз, ҳам қарз: ҳозирда маданий турмуш тарзимиз, ҳаётимиз бундан 15-20 йиллар олдингисидан жуда катта фарқ қилади. Замонавий техника воситалари кундалик турмушимизда мустаҳкам ўрин эгаллаган. Буларга

телевидение, радио, видео, компьютер ўйинлари ва шу кабилар киради. Аксарият ҳолларда мана шу воситалар талабаларимизнинг қўшимча ўқув машғулотлари билан шуғулланишларига ажратилиши лозим вақтни «олиб қўядилар», яъни биз – педагогларга рақобатчи сифатида намоён бўладилар. Айнан мана шу техникавий воситаларни, замонавий технологияларни ўзимизнинг педагогик фаолиятимизда фойдалана билишимиз, ёки бошқача қилиб айтганда ўзимизга «ишлата билишимиз» ўқув жараёнларини ҳаммага қизиқарли, ўзига жалб этувчи тарзда ташкил этиш имкониятини келтириб чиқаради. Табиийки, бу ҳол талабаларнинг ўзлаштириш кўрсаткичларига ижобий таъсир этмай қолмайди. Бу эса ўз навбатида, иқтидорли талабалар билан ишлашдаги имкониятларни оширади. Эътироф этиб ўтишимиз керакки, кўпинча иқтидорли талабалар билан ишлаш ўрнига, аксарият вақтимиз ўзлаштириши паст бўлган талабалар билан қўшимча ишлашга сарфланаётир. Ёки бошқача қилиб изоҳлаганда, «сувни лойқадан тозалашга кўпроқ куч сарфлаб, тоза сув билан ишлашга» камроқ аҳамият берилиш ҳоллари ҳам мавжуд. АКТни ўқув жараёнларига тадбиқ этилиши ва улардан ўринли ҳамда самарали фойдаланиш, ўзлаштириш кўрсаткичлари паст бўлган талабаларни юқорироқ поғоналарга олиб чиқиш, иқтидорли талабалар билан эса, янада самаралироқ шуғулланиш имкониятларини келтириб чиқаради.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг иккинчи босқичи бўйича белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, ҳамда таълим тизимини ахборотлаштириш борасида олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида АКТ таълим жараёнларига тадбиқ этиш борасида сезиларли ютуқларга эришилди. Шулардан айримларини келтириб ўтиш жоиздир:

- Олий ўқув юртларининг (ОЎЮ) барчасида интернетга чиқиш имконияти яратилди;
- Илмий ишлар бўйича проректорлар ўрнига илмий ишлар ва ахборот технологиялари буйича проректорлар, АКТ бўйича таянч ОЎЮларида эса

алоҳида ахборот технологиялари бўйича проректорлар, ҳамда декан муовинлари лавозими ташкил этилди;

- Таълим муассасаларини компьютерлаштириш кўрсаткичларини оширишга эътибор кучайтирилди ва ҳозирга келиб ОЎЮлари бўйича ўртача кўрсаткич ҳар 100 талабага 5,62 бўлишига эришилди (Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 6 июндаги 200-сонли қарори билан тасдиқланган Дастурга асосан 2003 йилнинг охиригача мазкур кўрсаткич 4,7 бўлишига эришиш режалаштирилган эди).

- Маҳаллий мутахассисларнинг саъйи - ҳаракатлари билан чет эл андозаларига нафақат жавоб бера оладиган, балки баъзи кўрсаткичлари билан бирмунча илғор бўлган E-Saboq – электрон дарсликлар яратиш платформаси (Тошкент давлат техника университети) ва AILS – автоматлаштирилган кутубхона тизими яратилди (Ўзбекистон Миллий университети). Ҳозирда E-Saboq – электрон дарсликлар яратиш платформасида 30 га яқин электрон курслар, AILS – автоматлаштирилган кутубхона тизимининг ўқув адабиётлари портали базасида эса 2500 га яқин маъруза матнлари ва бошқа ўқув адабиётлари жойлаштирилган бўлиб, улардан масофавий тарзда фойдаланиш ҳам мумкин. Ушбу тизимлар интернетда фаол ишлаб турибди;

- Таълим муассасаларининг Интернет орқали керакли маълумотларни олишларида бир қатор қулайликлар яратиб берувчи E-Collektor тизими яратилди (Тошкент давлат техника университети) ва унга барча ОЎЮ учун имтиёзли фойдаланиш имкониятлари яратиб берилди;

- Республика «Устоз» (эндиликда «Истеъдод») жамғармаси билан биргаликда «Ёзги мактаб» рукнида, АКТ ва мазкур технологиялар асосида масофавий ўқитишни ташкил этиш йўналишида доимий ишловчи, минтақавий семинар-тренинг курслари ташкил этилди ва ҳозирга қадар мазкур курсларда ОЎЮларининг ва касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларнинг 800дан ортиқ педагог кадрлари малака ошириб чиқдилар.

- Вазирлик томонидан вазирлик тасарруфидаги барча (33 та) малака ошириш институтлари, марказлари ва факультетлари учун энг янги компьютерлар (Pentium IV) билан жиҳозланган компьютер синфлари ташкил этиб берилди. Бундан ташқари кутубхоналар алоҳида замонавий компьютерлар билан қўшимча таъминланди.

- ОЎЮларининг Веб-сайтларини яратиш ва улардан таълим ресурсларини ривожлантиришда самарали фойдаланиш бўйича махсус кўрсатмалар ва тавсиялар ишлаб чиқилди ва ҳозирга келиб аксарият ОЎЮлари ўз Веб-сайтларини фаоллаштиришга эришдилар.

Албатта, ушбу эришилган ютуқлар рўйхатини яна давом эттириш мумкин. Лекин, эътиборингизни ҳозирда мавжуд айрим камчиликларга ва муаммоларга қаратмоқчимиз:

1. Таълим сифатини оширишда алоҳида аҳамиятга эга бўлган омиллардан бири – педагогнинг ўзини юқори малакага эга бўлишидир. Бунда у замонавий янгиликлардан ва АКТни таълим жараёнларида самарали қўллашдан воқиф бўлиши, бу борада етарли тажрибаларга эга бўлиши ўта муҳим саналади. Ушбу нақлга ҳамма профессор-ўқитувчиларимиз ҳам жиддий ёндошмоқдалар дейишимиз қийин. Айрим педагог кадрларимиз компьютерлар билан ишлаш ёшларнинг иши деб қараса, айримлари таълим муассасаси томонидан махсус курслар ташкил этилишини кутиб ўтирмоқдалар. Албатта, таълим муассасалари томонидан компьютер саводхонлигини ошириш ва бу борада қайта тайёрловдан ўтиш мақсадида махсус курслар ташкил этмоқдалар. Лекин педагогнинг ўзидан ҳам ташаббус, жиддий ёндошув ва саъйи-ҳаракат лозимдир.

2. Ўқув фанлари бўйича электрон дарсликларни яратиш аксарият ҳолларда ўқув фанини ўқитувчи биргина педагогнинг «ташвиши» бўлиб қолмоқда. Чет эл тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, якка тартибдаги иш усулидан доимий ишловчи ижодий гуруҳлар усулига ўтиш энг самарали ҳисобланади. Бунинг натижасида сифатли ва узлуксиз янгиланиб турувчи, яъни маълумотлари эскириб қолмайдиган («қаримайдиган») электрон

дарсликка эга бўлиш мумкин. Яхши ва сифатли яратилган, маълумотлари доимий равишда янгиланиб турадиган электрон дарсликлар гармоник таъсирга эга бўлади, яъни талабалар ҳам, фанни ўтувчи педагог ҳам янги маълумотларга эга бўладилар. Бунда бири таълим олса, иккинчиси малакасини оширади.

3. Таълим жараёнларига АКТ кенг жорий этишда, хусусан электрон дарсликлар яратиш, ўқув машғулотларини компьютерлаштирилган ўқув дастурлари асосида олиб бориш, муайян фанларни, айниқса техника соҳасидаги йўналиш фанларини чет тилида олиб бориш борасида илғор натижаларга эришган профессор-ўқитувчиларни моддий рағбатлантириб борилиши назардан четда ҳоллари ҳам кузатилмоқда. Ушбу йўналишлар нисбатан янгилиги, педагогдан қўшимча изланиш, вақт ва меҳнат талаб этишини унутмаслик лозим. Қолаверса, бу ишнинг сифатига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Бу мақсадда вазирликнинг махсус буйруғи ҳам қабул қилингандир (2002 йил 25 январдаги 23-сонли буйруқ).

4. Айрим таълим муассасаларида таълим тизимини ахборотлаштиришни фақатгина компьютерлар билан таъминотни ривожлантиришдан иборат деган хато фикр мавжуд. Лекин, компьютерларда керакли таълим ресурслари жойлаштиришмаган бўлса, ундан таълим жараёнларида ва илмий тадқиқотларда фойдаланилмаса, интернетдан янги маълумотлар олиб турилмаса, бундай компьютерлар оддий темир қутичага, ёки жуда бўлмаганда ёзув машинкасига айланади қўяди. Баъзи инновацион дастурлар ва грантлар бўйича лойиҳаларни таҳлил этганда асосий мақсади компьютер техникасини олишга қаратилган ишларни ҳам кўришимиз мумкин. Тўғри, компьютер воситалари керак, лекин уларнинг дастурий таъминоти, айниқса таълим тизимида қўллаш мумкин бўлган дастурий воситалар, виртуал ўқув ва тажриба стендлари, лабораториялари ҳам назардан четда қолиши керак эмас. Айниқса, бирор бир халқаро грант асосида техникавий воситалар олиш билан бир қаторда улар билан биргаликда мана шу техникавий воситаларини компьютер ёрдамида ўқитиш

стендлари ҳам тайёрланса, бундан фақат биргина таълим муассасасигагина эмас, бир нечта, балки барча таълим муассасаларига ҳам фойда бўлиши табиий.

5. ОЎЮларида локал тармоқларни шакллантириш ва ривожлантириш масалалари энг долзарб масалалардан бўлиши лозим. Чунки таълим муассасасининг ўзини ҳудудида коммуникация муаммолари ҳал этилиши мумкин. Лекин, юқорида компьютер мисолида айтганимиз каби, компьютер тармоғи ҳам ишлаши, ундан педагоглар, мутахассислар ва албатта талабалар самарали фойдалана олишлари мумкин бўлиши керак. Локал тармоқлар албатта кутубхона ресурслари ҳам ўз таркибига олиши лозим.

6. Таълим муассасаларининг Веб-сайтларининг ишини янада фаоллаштириш зарурдир.

Веб ресурслар фақатгина ОЎЮ хусусидаги танишув маълумотлардангина эмас, балки бошқа таълим ресурслари, яъни маъруза матнлари, ёзма ишлар намуналари, янги адабиётлар, турли электрон ўқув базаларининг ва масофавий ўқитиш курсларининг манзилларидан иборат бўлиши Веб-сайтларни фаол тарзда ушлаб туришда ва уларнинг келтирадиган самарасида жуда муҳим ҳисобланади.

7. Педагог кадрларимиз орасида чет тилини ўрганиш ҳануз муҳим масалалардан бири ҳисобланиб келмоқда. Ҳозирги вақтда интернет ресурсларининг қарийб 80 фоизи инглиз, француз, немис ва италян тилларидадир. Кўпинча русча интернет маълумотлари билан чегараланиш ҳоллари кузатилмоқда. Мадомики, автоматик тарзда таржима этувчи дастурий маҳсулотлар ёрдамида керакли маълумотларни таржима қилиш ва уларни кейин қайта ишлаб чиқиш мумкин. Буни яна бир муҳим таъсири: изланувчи олинган маълумотлар соҳасида таянч билимларга эга бўлса, таржима маъносини келтириб олиши ва айнан мана шу усул билан ҳам тилни ўзлаштириш жараёнини тезлаштириши мумкин бўлади.

8. Интернетдан фойдаланиш самарадорлигини унга уланган компьютерлар сонини ошириш сифатида тушуниш ҳоллари ҳам учрамоқда.

Бу эса, коммуникацион имкониятларни ҳисобга олмаган ҳолда бир вақтнинг ўзида оптимал сонидан кўпроқ бўлган компьютерлар интернетга кириши ва трафик сифати кескин камайиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бундай ҳоллар интернет билан алоқа тез-тез узилишига, иш сифатини пасайишига ва таълим муассасасининг интернет билан боғлиқ ҳаражатлари ортиб кетишига олиб келади. Ҳар бир таълим муассасасида интернетга уланишдаги ўз имкониятларини тўлиқ ўрганиб чиқилиб, трафикнинг сифати жуда ҳам тушиб кетмайдиган ҳолатдаги бир вақтда ишлайдиган компьютерлар сонини белгиланиши ва компьютерлар қатъий белгиланган жадвал асосида интернетга чиқишини таъминлаш зарурдир. Интернетдан фойдаланиш самарадорлигини оширишда ундан олинаётган маълумотлар ҳажмини орттирилиши билан бир қаторда, интернет орқали маълумотлар узатишга ҳам эътибор кучайтирилиши лозимдир. Чунки, ушбу масалани ижобий ҳал этилиши, интернет билан боғлиқ бўлган молиявий ҳаражатларни камайишига, ва ҳатто даромад олишга ҳам олиб келиши мумкин. Юқорида кўриб чиқилган камчиликлар ва муаммоларни бартараф этиш борасида биринчи галда таълим муассасаларининг АКТ таълим тизимига тадбиқ этиш ва ривожлантириш дастурида кўзда тутилган тадбирларни қатъий ва оғишмай бажарилишига эътиборни кучайтириш, жоиз бўлса, бу дастурга тегишли ўзгартиришлар киритиш лозимдир.

Таълим тизимини ахборотлаштириш мақсадида ҳар бир таълим муассасасида қуйидаги асосий вазифалар босқичма-босқич ва кетма-кет бажарилишини таъминлашимиз лозим бўлади:

- ✓. замонавий АКТ бўйича мутахассислар тайёрлаш даражасини ошириш;
- ✓. ўқув-таълим жараёнларида АКТ кенг жорий этиш ва улардан самаралироқ фойдаланишни таъминловчи моддий-техника базасини яхшилаш;
- ✓. таълим сифатини оширишга қаратилган инновацион технологияларни ўқитиш жараёнларида самарали қўллаш;

- ✓. ўқув жараёнларини бошқариш ва ахборот таъминотини йўлга қўйишга қаратилган замонавий технологияларни жорий этиш.

Ушбу мақсадларга эришиш учун қуйидаги йўналишлардаги олиб борилаётган фаолиятни кучайтириш керак бўлади:

- ✓. педагог кадрларни АКТ соҳасида малака ошириш ва қайта тайёрлашда такомиллаштириш;
- ✓. таълим муассасасининг ахборот инфра тузилмасини ривожлантириш ва маҳаллий, ҳамда халқаро таълим ресурсларидан кенг ва самарали фойдаланишни таъминлаш;
- ✓. Ҳар бир ўқув фанининг алоҳида ва ўзига хос бўлган хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, юқорида келтириб ўтилгандек, гармоник тарзда ўтилишини таъминловчи электрон дарсликлар, виртуал стендлар ва тажриба ишлари яратишни кучайтириш;
- ✓. интернет ресурсларидан самарали фойдаланишга эришиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқиш;
- ✓. талабаларга қўшимча таълим бериш, қолаверса педагог кадрлар ва мутахассисларни малакасини оширишга қаратилган телевидение орқали масофавий ўқитиш, интернет орқали имтиёзли ва бепул ўқитиладиган очиқ (online) курсларидан самарали фойдаланишни йўлга қўйиш.

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, ҳамда ЎзИнфоКом Маркази билан биргаликда «Ахборот технологиялари соҳасида энг яхши дастурий маҳсулотлар» номида республика танловини ўтказди. Танловда фақат олий ва ўрта махсус касб-ҳунар коллежларининг, ҳамда умумтаълим мактабларининг ўқитувчилари, талабалари ва ўқувчилари қатнашдилар. Танловга келиб тушган ишлар, уларнинг экспертизаси ва муаллифларнинг чиқишлари шуни кўрсатдики, республикамизда, агар улар билан алоҳида ва мунтазам ишлаш ташкил этилса, уларга тўғри йўналиш берилса республика

иқтисодиётини янада баланд бўлишини таъминловчи янги – дастурий маҳсулотлар индустриясини яратиш учун муносиб замин яратилади.

Умуман олганда АКТ таълим тизимида ажралмас бир бўлак бўлиб, таълим сифатини кескин ошишида, нафақат таълим тизимини, балки жамиятимизни ҳам ахборотлаштирилувида, республика иқтисодиётини ривожланишида ва жаҳон ахборот маконида ватанимиз ўзининг муносиб ўрнига эга бўлишида муҳим омил бўлиб ҳисобланар экан, янги ўқув йили арафасида, ушбу соҳанинг ривожланиши билан қадамма-қадам ташлаб бориш, улардан самарали фойдаланиш ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

## I.2. Internet тармоғида ишлаш

Ахборот технологиялари ва замонавий техника ютуқлари билан ўзаро алмашиш эҳтиёжи глобал компьютер тармоқларни мамлакатлараро ҳамкорлик дастурини амалга оширишнинг ажралмас қисми қилиб қўйди. Дунё миқёсида илмий ва маориф мақсадлари, ҳамда бизнес учун кўплаб компьютер тармоқлари ташкил этилган. Кўплаб тармоқларни бирлаштира олувчи ва дунё ҳамжамияти ахборот тизимига кириш имконини берувчи тармоқ бу – **Internet** дир. Internet фойдаланувчига чексиз ахборот ресурсларини тақдим этади. Ушбу ресурсларга кириш учун мос келувчи амалий дастурий таъминотдан фойдаланиш керак. Дўстона график интерфейс **Internet** хизматидан ҳар бир кишининг фойдалана олиши учун имконият яратади. Бундай дастурларнинг кўпи билан фойдаланувчи учун қулай бўлган **Windows** ОТ муҳитида ишлайди.

График интерфейсли дастурлар муҳим хусусиятлара эга. Улар фойдаланувчига барча тизимли архитектура билан ва ҳар қандай компьютер платформасида сақланадиган маълумотлар билан ишлаш имконини беради.

АҚШ ўзининг махсус компьютер тармоғи лойиҳасини яратди. Бу тармоқ **ARPAnet** деб аталади. Ушбу тармоқнинг дастлабки фойдаланувчилари АҚШ университетларининг харбий таълим кафедралари бўлди. 1972 йилда ARPAnet компьютер тармоғи Ангилия билан Норвегия ўртасига (тахминан 200 км масофада) ўртанилди. Шундай қилиб, бу тармоқ халқаро компьютер тармоғига айланди. Ушбу тармоқ фойдаланувчилари сони жуда кўпайиб кетди. Ушбу тармоқ АҚШ мудофаа вазирлиги томонидан такомиллаштирилди ва унга **Internet project** номи берилди.

**Internet** XX асрнинг энг буюк кашфиётларидан бири ҳисобланиб, у ягона стандарт асосида фаолият кўрсатувчи жаҳон глобал компьютер тармоғидир. Унинг номи “Тармоқлараро” деган маънони англатади. У маҳаллий (локал) компьютер тармоқларини бирлаштирувчи информацион тизим бўлиб, ўзининг алоҳида ахборот майдонига эга бўлган виртуал

тўпламдан ташкил топади. Ушбу кашфиёт туфайли бутун жаҳон бўйлаб ёйилиб кетган юз миллионлаб компьютерларни ягона информацион муҳитга бирлаштириш имконияти туғилди. Ҳозирги вақтда кундалик ҳаётда кўпчилик Internet, глобал компьютер тармоғини тушунчалари билан тўқнашади. Internet пайдо бўлиши билан исталган ахбортни замон ва маконига боғлиқ бўлмаган ҳолда олиш имконияти унинг жуда юқори суръатда ривожланишга сабаб бўлди. Internet  компонентларининг жаҳон бўйича номарказлашувчи натижасида бугунги вақтда унинг кўламини аниқ тасаввур қилиш қийин. Internet хизматидан фойдаланадиган комьютерларнинг сони 1995 йил бахорида қилинган тахминларга асосан, 30 миллионни ташкил этган бўлса, бугунги кунда 100 миллиондан ошиб кетди. Вақт ўтиши билан Internet ва унинг хизматлари радио, телефон ва телевидение каби содда ахборотлар узатиш воситаларига айланиб боряпти. Амалда компьютерда ишлаш имкониятига эга бўлган исталган одам ўз фаолиятида “модем” деб ном олган қурилма ёрдамида Internetнинг катта ҳажмдаги ахборот ресурсларидан фойдаланиши мумкин. Internet тармоғининг асосий ячейкалари бу шахсий компьютерлар ва уларни ўзаро боғловчи локал тармоқлардир. Internetга боғланиш ва ундан фойдаланишнинг асосий техник воситасини шахсий компьютерлар ташкил этади. Унинг имкониятларини кенгайтириш учун унга микрофон, видеокарта, овоз чиқаргич (аудиоколонка) ва бошқа қўшимча қурилмалар уланиши мумкин. Internet хизмати “Internet провайдерлари” ёрдамида алоқа каналлари орқали амалга оширилади. Алоқа каналлари сифатида телефон тармоғи, кабелли каналлар, радио ва космос алоқа тизимларидан фойдаланиш мумкин.

Internet алоҳида компьютерлар ўртасида алоқа ўрнатибгина қолмай, балки компьютерлар гурухини ўзаро бирлаштириш имконини ҳам беради. Агар бирон – бир маҳаллий тармоқ бевосита Internetга уланган бўлса, у ҳолда мазкур тармоқнинг ҳар бир ишчи станцияси Internetга уланиши мумкин. Шунингдек, Internetга мустақил равишда уланган компьютерлар мавжуд. Уларни хост – компьютерлар (Host - рахбар) деб аталади.тармоққа уланган

ҳар бир компьютер ўз адресига эга ва унинг ёрдамида жахоннинг исталган нуқтасига исталган мижоз уни топа олаши мумкин.

Internet аввалом бор унинг фойдаланувчиларига информацион хизмат кўрсатиш учун яратилгандир.

Умуман олганда Internet хизмат турлари ниҳоятда кўп ва хилма – хил бўлиб, уларни қуйидаги гурухларга ажратишимиз мумкин:

- WWW – электрон саҳифа хизмати;
- Электрон почта (E – mail) хизмати;
- Телеконференция (UseNet) хизмати;
- Файлларни узатиш (FTP) хизмати;
- TelNet хизмати;
- IRC – хизмати ёки Chat конференцияси;
- Маълумотларни излаш хизмати.

Internet халқаро тармоғининг асосини Electronic mail (E – mail), яъни почта ташкил этади. Электрон почта хизмати одатдагидан фарқли ўлароқ хат қоғозда эмас, балки компьютер клавиатурасидан териб тайёрланади ва у электрон сигналларни тартибланган кўринишга келтиради. Хат олувчининг электрон манзили лозим жойга келтириб киритилади, модем ва телефон линияси орқали Internet почта серверига юборилади. Сервер хатларни саралайди ва кўрсатилган электрон манзилларга йўналишини аниқлаб юборади.

Internetга уланган хар бир компьютер алоҳида ўз манзилиги эга бўлади.

Агар компьютер Internetга уланган бўлса, қуйидагиларга эътибор бериш керак:

- Internet маълумотномасини ўқиб чиқиш;
- Internetда кузатув ва ишлаш услубларини ўрганиб чиқиш;
- Маълумотларни қидириш услубларини ўрганиб чиқиш;
- Маълумотларни қидириш услубларини ўрганиб чиқиш.

Internet Explorer ни ишга тушириш уч хил усул билан бажарилиши мумкин:

a) Агар ишчи столда “Internet Explorer” белгиси чиқарилган бўлса, унинг белгиси устуда сичқончанинг чап тугмасини икки марта чертилади;
b) Агар асбоблар панелида “Internet Explorer” белгиси турган бўлса, унинг устуда сичқонча тугмасини бир марта чертилади;
c) Internet Explorer “Программы” менюсига ўрнатилган бўлса, бош менюдан ПУСК→Программ →Internet Explorer →Internet Explorer кетма – кетлиги сичқонча ёки клавиатура орқали бажарилади.

Бу усулларни қайси бири бажарилишидан қатъий назар, экранда Internet Explorer стандарт бошланғич саҳифаси чиқади.

Internet Explorerнинг стандарт бошланғич саҳифаси бош меню, анжомлар панели, адреслар сатри ва маълумотлар дарчасидан ташкил топган бўлади.

Агар Internetда дўстлашмоқчи бўлинса, махсус саҳифалар мавжуд. Бу – форум, чат, ICQ ва бошқалардир.

Форум – бу бир вақтнинг ўзида бир неча фойдаланувчининг Internet орқали мулоқотидир. Бунда фойдаланувчилар одатда янгиликлар билан алмашишади ёки гап сотишади. Мавзу форумнинг турига боғлиқ. Яъни жиддий мавзуга бағишланган ёки оммабоп қизиқарли мавзуга бағишланган форумлар мавжуд. Форумлар кўпгина саҳифаларда мавжуд бўлиб, форумда мулоқот қилиш учун уларга фойдаланувчи ўз исмини қайд қилиши лозим.

Чат – бу форумнинг бир кўринишидир. Чатда одатда “гап сотишади” – яъни турли қизиқарли ва кулгили мавзуларда мулоқот қилинади.

Бўш пайтда чатда мулоқот қилиб, дам олиш ва маълумот алмашиш мумкин. Чатда дўст топиш мумкин.

ICQ – бир пайтнинг ўзида бирор кимса билан мулоқот қилиш имкониятидир. Унинг ёрдамида бирор кимса билан мулоқот қилиш,

маълумот алмашиш мумкин. Бунда ҳар бир фойдаланувчи ўзининг қисқа исмига ва тартиб рақамига эга бўлади.

Internet электрон почта хизматини кўрсатади.

Электрон почта махсус программа бўлиб, унинг ёрдамида дунёнинг ихтиёрий жойидаги электрон адресга хат, хужжат ва умуман ихтиёрий файлни жўнатиш ва қабул қилиб олиш мумкин. Энг асосийси хат бир зумда манзилга етиб боради. Лекин ундан фойдаланиш учун махсус почта тармоғи ёки Internet тармоғига боғланган бўлиш ва электрон адресга эга бўлиш керак. Электрон адресни провайдер беради. Internetда бепул электрон почта хизматлари мавжуд. Улар ёрдамида шахсий электрон адрес очиш мумкин.

Бу – www.hotmail.com, www.yahoo.com, www.mail.ru, www.yandex.ru ва ҳоказолар. Ўзбекистонда – www.esezam.com. Бу саҳифага кириб анкета ва саволларига жавоб бериб, шахсий электрон адрес очиш мумкин. Электрон адрес одатда Е – mail деб кўрсатилади. Электрон почта юборганда худди хатни юбораётгандай, унинг кимга, қаерга ва кимданлиги ёзилиши шарт. Хатни бир неча адресларга юбориш мумкин. Электрон хатни юборгандан сўнг у электрон почта қутисига тушади, сўнг хат кўрсатилган манзил почта қутисига етказилади ва ундан хат эгаси хатни олади. Яъни ҳар бир фойдаланувчи ўзининг почта қутисига эга бўлиши керак. Умумий почта қутисидан хат шахсий қутичаларга мунтазам равишда жўнатилади.

Электрон почта қуйидаги шакда бўлади:

<электрон адрес муаллифи исми><ташкилот провайдер номи><давлат номи>.

Мисол тариқасида қуйидаги электрон адрес таҳлилини қуйидагича тушиниш мумкин:

yoshlarmarkazi@youthcenter.freenet.uz

бу ерда

yoshlarmarkazi – адрес эгаси (ташкилот) исми

youthcenter – ташкилот номи

freenet – интернет провайдер номи

uz – давлат

@ - электрон адресни белловчи махсус белги.

Кўпчилик Internetдан фақатгина янгиликлар билан танишиш информация қидириш, электрон почтадан фойдаланиш ёки гап сотиш учун фойдаланиши сир эмас. Internetнинг имкониятлари кундан – кунга ортиб бормоқда.

Internetдан фойдаланишнинг янги босқичи бошланди, яъни Internet турли соҳаларга тадбиқ қилинди. Internet технологиялар: масофадан ўқитиш, электрон кутубхоналар, телемедицина, телеметрология, электрон тадбиркорлик, электрон магазинлар ва бошқалар.

Бугунги кунда тараққиёт жуда тез ривожланмоқда ва жуда тез ўзгармоқда.

Ваҳоланки таълим тизимида сезиларли ўзгаришлар рўй бермоқда. Таълим тизимида масофадан ўқитиш услуби шакллари қўлланилмоқда.

Масофадан ўқитиш услуби – бу сирдан ўқитишнинг янги шаклидир. Масофадан ўқитиш бу мустақил ўқишдир. Мустақил ўқиш инсоннинг мустақил фикрлаш, холатни баҳолаш, хулоса ва башорат қилиш қобилиятларини ривожлантиради. Масофадан ўқитишнинг яна бир авзаллиги шундаки, унда ўқувчи ўзига қулай вақтда ва хаттоки ишдан ажралмаган ҳолда ўқиш мумкин.

Маълумки Internet ўзаро маълумотлар алмашиш имконини берувчи катта магистраль бўлиб, у нафақат рақамли маълумотларни, балки рақамлар мажмуасига айлантирилган аудио ва видео маълумотларни ҳам узатиш, қабул қилиш имкониятини беради.

Internetда электрон тадбиркорлик тушунчаси бор. Кўпчилик учун бу янги тушунчадир. Бу технология Ўзбекистонга ҳам кириб келган. Электрон тадбиркорлик - бу Internet орқали сотиш ва сотиб олишдир. Унинг имкониятлари турли туман. Internet ёрдамида зарур бўлган китоб, кийим ёки компьютер ва ҳаттоки озиқ – овқат маҳсулотларини ҳарид қилиш мумкин.

Бу технология бир неча йиллар давомида равнақ топди. АҚШда бу технология жуда тараққий этган. Бу технологиядан Dell, Cisco, IBM, HP, Oracle, Microsoft ва Sun компаниялари жуда кенг кўламда фойдаланишади. Cisco компанияси маҳсулотларини сотиш фаолиятини 80 % ини Internet орқали амалга оширади.

Электрон тадбиркорлик – бу Internet тармоғи ёрдамида виртуал савдо растасида ёки майдонида савдо – сотиқни амалга оширишидир. Унга сотувчи ва сотиб олувчи қатнашади. Бу савдо – сотиқнинг қуйидаги кўринишлари мавжуд. Яъни B2B (Business to Business) ва B2C (Business to Customers).

B2B – корхоналар ўртасидаги савдо – сотиқ муомиласи.

B2C – корхона ва шахс ўртасидаги савдо – сотиқ муомиласи.

Масалан, китоб харид қилиш учун махсус қидирув тизимлари ёрдамида электрон китоб магазин адресини топиш керак ва шу адресдан китоб харид қилиш мумкин.

Электрон магазин – бу маҳсулотни сотаётган магазин Internet саҳифасидир.

Internetнинг яна бир имконияти бу электрон кутубхонадир.

Электрон кутубхона – Internetнинг ажойиб имкониятидан биридир. Бу кутубхонанинг электрон шаклидир. Кутубхона деганда кўз олдимизга китоблар турган узундан – узоқ китоб жавонли катта хоналар келади. Электрон кутубхонада жавонлар вазифасини жилдлар, китоблар вазифасини Internet саҳифалар бажаради. Бу кутубхонадан фойдаланиш жуда қулай. Дунёнинг ихтиёрий нуқтасидан электрон кутубхона маълумотларидан фойдалана олиш мумкин. Яна бир қулай томони зарур маълумот нуқтасини кўчириб олиш мумкин. Электрон кутубхонадан фойдаланиш учун компьютер, модем ва Internet тармоғи бўлиши етарли.

Электрон кутубхоналарни турлича номлашади:

- Электрон кутубхона;
- Виртуал кутубхона;
- E – кутубхона;

- E – library;
- Digital library.

Охирги пайтда виртуал дунё, виртуал олам, виртуал дўст каби сўзлар пайдо бўлди. Виртуал сўзининг маъноси бу тасаввур қилишдир. Виртуал кутубхона бу одатдаги кутубхонанинг абстракт кўринишидир. Бу кутубхона китоблари, жавонлари ва рўзномалари китоб жавонида эмас, балки компьютер хотирасига жойлашган бўлади. Бу компьютерда ёки компьютер махсус қурилмаларида рақамли форматда сақланадиган маълумотларнинг тўпламидир. Бу босма, аудио, видео ва мультимедия маълумотлардир. Маълумотлар ҳажмига қараб Серверлар битта ёки тармоқ билан боғланган бир неча компьютерлардан иборат бўлади. Электрон кутубхона кутубхоначи бўлмайди, шунинг учун зарур китоб ёки маълумотларни компьютер жавонларидан фойдаланувчининг ўзи қидиради.

Электрон кутубхона одатдаги кутубхонадан бир неча қулайликларга эга:

- Жойнинг тежамланиши, яъни китобларни сақлаш учун махсус жойнинг зарурати йўқлиги;
- Нодир асар ва маълумотларни сақлаш ва улардан фойдалана олиш имкониятининг мавжудлиги;
- Фойдаланишнинг қулайлиги ва енгиллиги;
- Қидирув тизимларининг мавжудлиги;
- Маълумотлар ҳажмининг чекланмаганлиги;
- Маълумотнинг аудио, видео ва компьютер графикаси ёрдамида сифатли ва яхшироқ акс эттириш мумкинлиги;
- Вақтнинг тежалиши ва чекланмаганлиги, яъни ундан 24 соат мобайнида фойдаланиши мумкин.
- Қўшимча хизматларнинг мавжудлиги ва бошқа қулайликларга эга.

## II.БОБ. PHP технологияси асосида WEB сайт яратиш

### II.1. Ахборот технологиялари ва тизимлари ҳақида маълумотлар

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришган йилларидан эътиборан мамлакатимизни ахборотлаштириш муаммосига хукуматимиз алоҳида эътибор қаратмоқда. Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил феврал ойидаги «Миллий тармоғни яратиш ва дунё ахборот тармоқларидан фойдаланишни тартиблаш тўғрисида»ги, кейинроқ «Ўзбекистон Республикасида 1999-2003 йиллар ичида маълумотларни узатиш миллий тармоғини ривожлантириш ва такомиллаштириш дастури», 2002 йил июнидаги «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот – коммуникация технологияларини жорий этиш чора тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари қабул қилинди.

Шу муносабат билан республикамизнинг қатор таълим муассасаларининг техника базаси, жумладан, компьютер техникасининг янги авлоди билан жихозланиши, шунингдек, уларнинг Интернет тармоғларига уланиши, электрон алоқалар билан таъминланишига эътибор янада кучайди. Буларнинг ҳаммаси таълим мазмунини самарали қилиш мақсадида республика таълим муассасаларига янги педагогик ва ахборот технологияларини жорий қилиш, ўқув режаларига киритилган фанларни янги интерфаол усул ва воситалардан фойдаланган, жумладан, масофадан туриб ўқитиш, компьютерлаштирилган анжуманлар ўтказиш, электрон дарсликлар яратиш ва уларни ўқув – тарбия жараёнида қўллашга қаратилган тадбирлардир.

Ўзбекистон Республикасида Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширилаётган, шунингдек, давлат таълим стандартлари тасдиқланиб ҳаётга қўлланилаётган бир пайтда таълим муассасаларидаги ўқув-тарбия жараёнини сифатли ташкил этиш учун дарсликларнинг янги авлодини яратиш ҳозирги куннинг талабидир.

Ўзбекистон Республикасида 2003 йилнинг 11 декабрида *«Ахборотлаштириш тўғрисида»*ги қонунни қабул қилиниши ҳам бежиз эмас. Ушбу қонуннинг «Ахборот тизимларининг тармоқлараро боғланиши» номли 18 – моддасида «… кадрлар тайёрлаш ва малакасини ошириш, илмий тадқиқотларни рағбатлантириш» вазифасига ҳам урғу берилган.

Шу сабабли ҳам янги педагогик ва ахборот технологияларини ўқув - тарбия жараёнига жорий қилиш энг зарур вазифаларидан ҳисобланади. Таълим тизимининг бугунги вазифаси тингловчиларни кун сайин тўлиб ошаётган ахборот - таълим мухити шароитида бемалол фаолият кўрсата олишга ўргатишдан иборатдир. Бунинг учун уларга узлуксиз равишда мустақил ишлаш шароитини яратиб бериш зарур.

## II.2. Web сахифа яратишда PHP дастурлаш тилидан фойдаланиш

PHP –ўз номини етарлича танитиб улгурган дастурлаш тили хисобланади. Гап шундаки, бошланишда бу унча қийин бўлмаган шахсий WEB –сахифаларини яратиш учун мўлжалланган оддий макрослар тўпламидан иборат бўлган бўлиб, PHP – Personal Home Page (шахсий уй сахифаси) сўзларининг қисқартмасидан иборат.

Вақт ўтиши билан макрослар тўплами мукаммал дастурлаш тилига айланиб замонавий маълумотлар базаси билан маълумот алмашиш имкониятига эга бўлган WEB тармоқ саҳифаларини яратувчи тилга айланди. Тилнинг имкониятлари кенгайгани сари унинг оммавийлиги ҳам ўсиб бормокда. Netcraft (http://www.netcraft.com) компаниясининг маълумотларига кўра 1999 йил ноябрь ойида PHP технологияси Web тармоқларининг бир миллиондан ортиғидан фойдаланилган 2000 йил 1400000 тага етган.

PHPнинг 1-версияси Расмус Лердорф (Rasmus Lerdorf) исмли программист томонидан яратилган бўлиб, Web саҳифаларини яратишни енгиллаштириш учун макрослар тўпламидан иборат бўлган.

Тез орада у фойдаланувчилар назарига туша бошлади, ҳамда тезлик билан такомиллашиб, оммалашиб борди. 1997 йилдан бу тил устида програмистлар гурухи иш олиб боради.

Мехнатларнинг самарасида эса PHP3 кейинги версия яратилди. Бу PHP нинг такомиллашган ва замонавий версия бўлиб, унда матнларни қайта ишлашнинг янги усуллари яратилди ва бу усуллар Зиб Зураски ва Энди Гутианс (Zeev Surasky, Andi Ceutmans) исмли програмистлар томонидан яратилди. Шунингдек тилнинг синтаксисида бироз ўзгаришлар киритилиб, янги функциялар қўшилди. Янги верция шу даврда сарвер учун дастурлаш тилларининг энг зўри хисобланиб, жуда ҳам тез оммалашиб кетди.

MySQL маълумотлар базаси ва Apeche сервери билан ишлаш учун PHP нинг имкониятлари янада кенгайиб борди. Apeche сервери ҳозирги кунда дунёдаги энг кенг тарқалган Web - сервер хисобланади ва PHP тили Apache сервери учун модул кўринишида қўлланилиши мумкин. MySQL - бу замонавий маълумотлар базаси бўлиб пулсиз (текин) тарқатилади, шунинг учун ҳам PHP нинг барча функциялари шу базага боғланган. Тан олиш лозимки Apeche, MySQL ва PHP ларнинг ўзаро бир - бири билан боғлиқ равишда ишлаши ўртадаги рақобатга барҳам беради.

Бу эса PHP бошқа МБСИ билан ишламайди дегани эмас. Бу технология жуда МБСИ ва Web серверлар билан ишлаш имкониятига эга.

WEB сахифаларни ва тармоқни яратиш йўллари ўзгариши билан PHP ҳам такомиллаша борди. 1990 - йил ўрталарига келиб катта тармоқларда ҳам HTML да ёзилган юзлаб статик сахифалар ишлатилар эди. хозир эса жараён ўзгариб бормоқда. WEB сахифаларини яратувчилар маълумотлар базаси билан ишловчи WEB сахифаларни яратиш имконига эга бўлиб, фойдаланувчиларни қайта ишлаш имконига эга бўлган WEB сахифаларни яратмоқдалар.

Маълумотларни сақлаш ва маълумотларга мурожат қилиш учун маълумотлар базасидан фойдаланиш янада актуаллашиб, мобил телефонлар,

рақамли телевидения ва хоказолар. Турли хил қурилмаларда маълумотларни узатишда сифатини ўсишига эришишмоқда.

Бу фикрлар асосида айтиш мумкинки, келгусида PHP тили янада такомиллашиб ўзининг ўта юқори даражадаги дастурлаш тили эканлигини намоён қилади.

## II.3. PHP дастурлаш тили. PHP ни ШЭҲМга ўрнатиш

PHP тилини ўрганишга киришишдан аввал унинг конфигурациясини созлаш ва ўрнатишни ўрганиб олиш лозим. PHP хар хил системаларда ва кўплаб серверларда ишлаши мумкин.

***Системалар, серверлар ва маълумотлар базалари***

PHP турли хил системаларда ишлай олади. У система Windows, Unix нинг кўплаб версиялари, шунингдек Linux ва хатто Macintosh бўлиши мумкин. PHP кўплаб тармоқ серверларида, хусусан Apache, Microsoft Internet Information Server, Web Site Pro, Iplanet Web Server ва Microsoft Personal Web Server – ларда ишлаши мумкин. Агар ўзимиз тузган дастурларимизни Windows тизимида текширишни хохласак охирги санаб ўтилган сервердан фойдаланишимиз мумкин, хатто Apache сервери Windows системаси бошқарувида ишласа ҳам, PHP интерпретатори ёрдамида дастурни алохида мустақил кўринишда компиляция қилиш мумкин. У холда дастурни мустақил ишга тушириш мумкин. PHP тилини яратишда маълумотлар базаси билан боғланиш талабларини алохида эътиборга олинган. Кўплаб маълумотлар базаларини PHP да ўқиш мумкин. Масалан буларга Adabas D, InternetBase, Golid, dBase, mSQL, Sybase, Empress, MySQL, Velosic, FilePro, Oracle, Unixdbm, Informix ва хоказоларни келтиришимиз мумкин. Шунингдек, PHP ODBC стандартини ҳам ўқий олади. Ушбу қўлланмада эса биз Linux, Apache ва MySQL серверлар асосида фикр юритамиз. Бу учта дастурлар мажмуалари кенг фойдаланиш мумкин бўлган мажмуалардир.

***PHP ни каердан олиш мумкин***

PHP4 ни http://www.php.net тармоғидан олиш мумкин. Бунинг учун эса, алохида кредит карточка талаб килинмайди.

PHP ни web - тармоғи программистлари учун ажойиб манба хисобланади. http://www.php.net/manual адресида бошқа программистларнинг изохлари, фикрлаш ва танкидий фикрлари келтирилган маълумотларни ва кўлланмаларни олиш мумкин. Бу кўлланмаларни турли хил форматларда олиш мумкин.

***PHP.ini файли***

PHP ни ўрнатиб бўлгандан сўнг, унинг настройкасини PHP.ini файли ёрдамида ўзгартириш мумкин. Агар компьютерга UNIX операцион системаси ўрнатилган бўлса, бу файл /usr/local/lib каталогида, агар Windows операцион системаси ўрнатилган бўлса, Windows каталогида жойлашган бўлади.

***Ёрдамчини каердан кидириш лозим***

Агар дастурлаш тили омма учун (текин) бўлса, албатта ёрдамни Internet дан етарлича топиш мумкин. PHP тили бўйича сиз билан фикр алмаша олувчи яна бир яхши манба бўлиб, у PHP билимлар базаси, яъни knowledge Base деб номланади, ва уни http://www.fagts/com/knowledge-base/index.phtml деб номланади.

***Биринчи дастур***

Биз юқорида PHP ни ўрнатиш ва ўрганиш бўйича бошланғич маълумотларни олдик. Энди эса, PHP да биринчи дастуримизни яратишга харакат қиламиз. PHP да дастур тузиш учун HTML даги каби WEB-саҳифа яратишни билишимиз лозим.

Ушбу дастурда эса, қуйидагиларни ўрганишга харакат киламиз:

- PHP-программаларини яратиш, серверга нусхасини кўчириш ва ишга тушириш
- PHP командалари ва HTML матнини битта хужжатга боғлаш
- Дастур матнини тушунтириш учун изох келтириш

Биринчи дастурни ёзамиз:

PHP-дастурни тузиш учун ихтиёрий матн редакторини ишга туширамиз. PHP – дастури HTML - хужжатлари каби оддий матндан ташкил топади. Шунинг учун дастурни ихтиёрий матн редакторида, агар unix бўлса, VI - ёки Emacs да ҳам ёзиш мумкин. қуйидаги дастур матнини киритайлик ва уни first.php деб сақлайлик:

```
< ? php
   print “hello web”;
?>
```

ушбу дастур кенгайтмаси албатта .php бўлиши шарт. Агар дастур сервер эмас, балки клиетн компьютерида тузилган бўлса, дастур файлини серверга киритиш учун FTP сервисдан фойдаланишга тўғри келади. Агар дастурда хатоликлар мавжуд бўлмаса, у ҳолда натижани браузер ойнасида кўриш мумкин.




Дастурни бажарилиш натижаси.

Агар дастурда ёки унинг кенгайтмасида хатолик мавжуд бўлса, браузер ойнасида дастур матнининг ўзи намоён бўлади.

***PHP-команда блокининг берилиши.***

PHP - программани ёзишда интерпретаторга оддий HTML - текстдан фарқини белгиловчи командани беришимиз лозим. Акс холда командалар HTML - текст сифатида қабул қилиниб браузер узатилади. Қуйидаги жадвалда PHP - командаларини беришнинг 4-хил усули келтирилган.

| **Тег турлари** | **Очувчи тег** | **Ёпувчи тег** |
|---|---|---|
| Стандарт | < ? php | ?> |
| Қисқача | < ? | ?> |
| ASP | < % | %> |
| Дастурий | <script language"php"> | </script |

Жадвалда келтирилган стандарт ва дастурий теглар PHP нинг ихтиёрий конфигурациясида ишлайди. Қисқа ва ASP теглар ишлаши учун php.ini файлида аниқ келтирилган бўлиши лозим. Қисқа теглар фойдаланилиши учун php.ini файлида қуйидаги директива ёзилган бўлиши лозим:

**Short_open_tagskon;**

Стандарт холда бу директива ёки \ бўлади, шунинг учун php.ini файлини фақат off қилиш учунгина тахрирлашимиз мумкин. ASP тегида фойдаланиш учун эса, қуйидаги директива ёқилган бўлиши лозим:

**Asp_tagskon;**

Php.ini файлини тахрир қилиб, ихтиёрий директивадан фойдаланиш мумкин. Қуйидаги барча теглар учун ёзилган дастур матнини кўрайлик:

<?

```
print "hello web";
?>

<? php
print "hello web";
?>

<%
print "hello web";
%>

<script languageк"php">
print "hello web";
</script>
```

***print() функцияси***

Бу функция маълумотларни экранга чоп қилиш учун фойдаланилади. Экранга бериладиган маълумотлар ( ) ичига берилади. Экранга бериладиган хар бир маълумот " " ичига берилиши лозим. Шунингдек Print дан кейин ( ) қўйиш ҳам, қўймаслик ҳам мумкин.

### II.4. HTML ва PHP нинг биргаликда ишлатилиши

Қуйида келтириб ўтиладиган дастур фақат PHP командаларидан ташкил топган. Лекин очувчи ва ёпувчи теглар қўшиш орқали HTML - текст қўшиб HTML ва PHP нинг аралаш ҳужжатнинг яратиш мумкин:

```
<html>
<head>
```

```
    <litle> php ва html хужжати </litle>
</head>
<body>
<b>
<?php
    print “hello worlb!”;
?>
</b>
</body>
</html>
```

Агар дастурни сақлаб ( .PHP ) уни браузер орқали ишга туширсак, экранда (жирный) **hello world!** ёзуви пайдо бўлади.

***PHP-дастурида коментариялар (изоҳлар)***

Маълумки, дастурни тузиш жараёнида ҳамма нарса тушунарли ва оддий дастурни ҳам тушуниб олиш қийин бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам, дастур ёзиш жараёнида албатта изох келтириб бориш зарур, чунки сизни дастурингиздан фойдаланувчига бироз осонроқ бўлади.

Коментария (изох)- бу интерпретордакайта ишланмайдиган, дастурдаги оддий матн ҳисобланади. Изох дастурни тушиниш учун енгиллик яратиш мақсадида фойдаланилади. Масалан:

```
// Бу изоҳ
* Бу ҳам изоҳ
```

Булардан ташқари изоҳ сифатида /* очувчи ва */ ёпувчи белгилар орқали ҳам фойдаланиш мумкин.

```
    /*
        Бу изоҳ
        Бу қаторда ёзилган ҳамма сатрлар изох
    ҳисобланади.
*/
```

Ўзгарувчи – бу шундай жойки, бу жойни ташкил этиш ва у ерда дастурда керак бўладиган маълумотларни сақлаш мумкин. Барча ўзгарувчилар $ белгиси билан бошланувчи алоҳида номга эга бўлади. Ўзгарувчи номида ҳарф ва сонлардан ташқари бошқа белгиларни қўйиш, шунингдек бўшлиқ (пробел) қўйиш мумкин эмас. Қуйида ўзгарувчини ташкил этишнинг тўғри келтирилган ҳолатини кўрайлик:

*$a;*

*$a_long_ish_variable_name;*

*$2453;*

*$sleppyZZZZ;*

Агар аҳамият берсак, ўзгарувчи охирида нуқтали вергул (;) белгиси қўйиляпти, лекин бу белги ўзгарувчи номига тегишли бўлмайди. Балки у ўзаро ажратувчи символ ҳисобланади.

Ўзгарувчини шундай қурол сифатида тасаввур қилиш мумкинки, у бир хил типдаги белгиларни ўзида сақловчи махсус яшик дейиш мумкин. Бу ўзгарувчида сонлар, символллар, объектлар, массивлар ёки мантиқий қийматлар сақланиши мумкин. Ўзгарувчидаги берилган қийматларни ихтиёрий вақтда ўзгартириш мумкин.

***Динамик ўзгарувчилар***

Бизга маълумки, ўзгарувчи $ белги асосида эълон қилинади ва ундан сўнг ўзгарувчи номи келтирилади. Лекин биз учун ўзгарувчини бошқа ўзгарувчида сақлаш албатта янгилик. Лекин бунинг иложи бор. Масалан:

$user=”bob”;

сифатида келтирилган ўзгарувчи қуйидаги билан эквивалент ҳисобланади:

$holder=”user”;

$$holder=”bob”;

Бу ерда $holder га user ўзлаштирилгани учун $ кейинги $holder ни user деб тушуниши мумкин.

Динамик ўзгарувчини қаторли ўзгармас ёрдамида эълон қилиш мумкин. Бунинг учун ўзгарувчи номини { } ичида берилиши лозим: ${“user”}=”bob”;

Динамик ўзгарувчига мурожат қилиш учун худди шундай кетма кетлик бажарилади:

```
$user=”bob”;
print=$user;
```

Бу қуйидаги билан эквивалент ҳисобланади;

```
$user=”bob”;
$holder=”user”;
print $$ holder;
```

Лекин ўзгарувчи номини чоп қилиш учун бошқачароқ берилади:

```
$user=”bob”;
$holder=”user”;
print ”$$ holder”;
```

Экранда эса $user чоп қилиб берилади.

Юқорида келтирилиб ўтган фикримизга асос ва тушунарли бўлиши учун қуйидаги мисолни келтириб ўтамиз:

```
<html>
<head>
<title> Динамик ўзгарувчини яратиш </title>
</head>
<body>
<?php>
$holder=”user”;
$$holder=”bob”;
print”$user<br>”;                // натижа “bob”  чиқади
print”$$holder”;                // натижа “bob”  чиқади
```

```
print"<br>";
print"${$holder}<br>";          // натижа "bob"  чиқади
print"${'user'}<br>";          // натижа "bob"  чиқади
?>
</body>
</html>
```

***Маълумотлар ва уларнинг типлари***

Турли типдаги маълумотлар хотирадан тирли хил жой эгаллайди ва уларни қайта ишлаш хам хар хил бўлади. Шунинг учун дастурлаш тилларининг кўпида ўзгарувчини эълон қилиш олдиндан бажарилиши талаб қилинади. PHP4 тили эса, бундай қаттиқ талаблардан йироқ бўлиб бу типларни алоҳида эълон қилишни талаб қилмайди. Берилган қийматга қараб типни ўзи ажратиб олади. Бу усул осон лекин камчиликка эга ҳисобланади. Чунки ўзгарувчилар кўпайиб кетганда уларни назорат қилиш дастурчига қийинчиликлар келтиради.

Қуйидаги жадвалда PHP4 тилида фойдаланиладиган асосий типларни келтириб ўтайлик:

| Тип | Мисол | Берилиши |
|---|---|---|
| Integer | 5 | Бутун сон |
| Double | 3.234 | Ҳақиқий сон |
| String | "hello" | Символлар |
| Boolean | true | Мантиқий ифода |
| Object | | Объектлар |
| Array | | Массивлар |

PHP4 тилида шундай функция борки, у ўзгарувчи типини аниқлаб бера олади. Агар gettype() функцияси ичига ўзгарувчи номини берилса, у натижа сифатида типни беради. Қуйидаги мисолда gettype() асосида турли хил қийматларни олувчи битта ўзгарувчи типини аниқлаш дастурини кўриб ўтайлик:

```
<html>
<head>
  <title> Ўзгарувчи типини аниқлаш</title>
</head>
<body>
<?php
   $testing=5;
   print gettype($testing); // 1 integer;
   print <BR>;
   $testing=”five";
   print gettype($testing); // string;
   print <br>;
   $testing=5.12;
   print gettype($testing); // double;
   print <br>;
   $testing=true;
   print gettype($testing); // boolean;
   print <br>;
?>
</body>
</html>
```

Бу дастур қуйидаги натижаларни чоп қилиб беради:

Integer;

String;

Double

Boolean.

***Ўзгарувчи типини ўзгартириш***

Ўзгарувчини типини ўзгартириш учун PHP4 да Set Type, функциясидан фойдаланилади. Бунинг учун функцияда ўзгарувчининг типи ва унинг янги типи кўрсатилиши лозим.

***Операторлар ва ифодалар***

Оператор - бу, бир ёки бир неча қийматлардан янги қийматларни ҳосил қилишда ишлатиладиган символ ёки символлар тўплами.

Операнда – бу, оператор ёрдамида қўшилувчи қиймат ёки ўзгарувчи.

Масалан: иккита операнда ва битта оператор ёрдамида янги сон ҳосил қилишни кўрайли:

Бу ерда 4 ва 5 лар операнда «+» оператор ҳисобланади.

Ифода бу, операторлар ёрдамида бажарилувчи ихтиёрий сон, ўзгарувчи ва функцияларнинг комбинацияси ҳисобланади. PHP 4 тилида ўзлаштириш операторларини «=” белигиси билан белгиланади. Масалан, print($ name=”bob”);

PHP4 да ишлатилувчи асосий арифметик операторни қуйидаги жадвал кўринишида келтириб ўтайлик:

| Оператор | Номланиши | Мисол | Натижа |
|---|---|---|---|
| + | қўшиш | 10+3 | 13 |
| - | айриш | 10-3 | 7 |
| / | бўлиш | 10/3 | 3,33333 |
| * | кўпайтириш | 10*3 | 30 |
| % | модул бўйича бўлиш | 10%3 | 1 |

PHPда конкатенация оператори оддий нуқта ҳисобланади. Бу оператор ўнгидаги қаторни чапга қўшиб бериш (боғлаш) да ишлатилади.

Масалан, “hello”.”world”; натижа эса қуйидагича бўлади: “helloworld”

***Ўзлаштиришнинг қўшимча операторлари***

Аслида ўзлаштириш оператори битта, лекин бир нечта арифметик ва ўзлаштириш операторлари комбинациясидан ташкил топган операторлар ҳам мавжуд. Бу операторларни қуйидаги жадвалда келтириб ўтайлик:

| Оператор | Мисол | Эквиваленти |
|---|---|---|
| + = | $x+=5 | $x=$x +5 |
| - = | $x-=5 | $x=$x -5 |
| / = | $x/=5 | $x=$x /5 |
| * = | $x*=5 | $x=$x *5 |
| %= | $x%=5 | $x=$x %5 |
| . = | $x.=”test” | $x=$x.”test” |

***Солиштириш операторлари***

Солиштириш операторлари иккита операндани солиштириш учун ишлатилади. Улар иккита операндани солиштириш натижаси тўғри бўлса “true” акс холда “false” натижасини беради. Қуйида солиштириш операторлари келтирилган жадвални келтириб ўтайлик:

| Оператор | Номланиши | Бажарилиш шарти | Мисол | Натижа x=3да |
|---|---|---|---|---|
| == | Тенглик | Чап ва ўнг операндлар тенг | $x= =5 | False |
| ! = | Тенг эмас | Чап ўнга тенг эмас | $x! =5 | True |
| = = = | Бир хил | Тенг ва бир хил | $x= = =5 | False |

***Ўзгармаслар***

Ўзгарувчилардан фойдланиш маълумотларни сақлаш ва қайта ишлашнинг энг ажойиб усулларидан бири ҳисобланади. Биз бу ўзгарувчилар қийматини, хаттоки типини хохлаган вақтимизда ўзгартира олишимиз мумкин. Лекин дастур яратиш жараёнида шундай ҳолат бўлишини истаб қоламизки, бунда бизни берган қийматимиз ёки маълумотимиз дастурни яратиш ва фойдаланиш жараёнида, керак бўлса тасодифан ўзгариб кетишдан ҳоли бўлсин, яъни ўзгармасин. Бунинг учун ўзгармаслардан фойдаланишимиз

зарур. PHP4 да ўзгармаслар билан ишловчи define() функцияси мана шу мақсадда ишлатилади. Бу функция ёрдамида яратилган ўзгармас (константа) дастурни яратиш ва фойдаланиш жараёнида ўзгартирилмайди. Ўзгармасни ташкил этиш учун define() функциясида ўзгармас номи ва унинг қиймати берилади.

Define (“nomi”,42)

Ўзгармас қабул қиладиган маълумот қиймат ва символ бўлиши мумкин. Ўзгармас номи эса фақат катта ҳарфлар билан берилади. Ўзгармасдан фойдаланишда фақат катта ҳарфлар билан $ белгисини олдига қўймасдан ёзилади.

Қуйидаги ўзгармасдан фойдаланиш дастурда қандай ишлатилишига мисол сифатида келтириб ўтамиз:

Агар дастурга аҳамият берсак, «Welcome» ёзувидан сўнг конкатенация (.) белгисидан фойдаландик. Дастур бажарилиши натижасида эса, экранда қуйидаги кўриниш ҳосил бўлади:

РНРда яна бир имконият борки, у фойдаланувчига автоматик равишда бир нечта ўзгармас ташкил этиб беради. Масалан, *_FILE_* ўзгармаси фақат фойдаланилаётган актив файл номини ўзида сақлайди. *_LINE_* ишлатилаётган файлдаги актив қаторни аниқлаб беради ва х.к.

Бу сайтни яратишда PHP дастурлаш тили HTML коди билан биргаликда ишлатилган бўлиб, у ерда PHP дастурлаш тилининг қуйидаги буйруқлари ишлатилган:

- If (шарт) { ифодалар кетма - кетлиги}
- $QUERY_STRING
- Isset
- Include(Модулни чақириш) ва ўзгурувчилар.

***IF операторидан фойдаланиш***

IF инструкциясидан фойдаланилаётганда хисоблаш жараёни учун шарт қавслар ичида текширилади. Агар шарт бажарилса (true бўлса) блок ичидаги ифода бажарилади, акс ҳолда блок ичидаги ифода тўлиқ ташлаб юборилади. IF инструкциясининг умумий кўринишдаги схемасини қуйидагича келтириш мумкин:

IF (шарт)

{

// бу ердаги ифода агар берилаётган шарт рост бўлса бажарилади

}

Келтириб ўтилган умумий схемани янада аниқрок тушуниб олиш учун қуйидаги мисолни келтириб ўтайлик.

Оператор ёрдамида $mood ўзгарувчи қийматини “һappy” қатори билан солиштирамиз. Агар шарт бажарилса, блок ичидаги ёзув экранга берилади, акс ҳолда берилмайди.

Келтириб ўтилган мисолда блок ичидаги инструкция кўп эмас, шунинг учун бу блокни янада ихчамроқ кўринишда қуйидагича келтириш мумкин:

if ($mod=”happy")

print "Менинг кайфиятим жуда ҳам яхши!";

***IF инструкциясининг else блоки***

IF инструкциясини келтириш жараёнида бериладиган шарт бажарилмаса альтернатив блок келтиришга мажбур бўлиб қолинади. Бунинг учун эса, if шартдан кейинги блокдан сўнг else блокини ҳам бериш лозим. Умумий ҳолда бу ҳолатни қуйидагича келтириш мумкин:

If (шарт)

{

//бу блокдаги ифодалар шартни текшириш натижаси рост бўлганда бажарилади

}

else

{

// бу блокдаги ифодалар шартни текшириш натижаси рост бўлганда бажарилади

}

Келтириб ўтилган умумий схемани янада мустахкамлаш учун қуйидаги мисолни кўриб ўтайлик:

$mod ўзгарувчиси бу мисолда sad қаторини қабул қилади, бу эса “happy” қатори билан бир хил эмас, шунинг учун ҳам шарт бажарилмайди. Бу эса, биринчи блокни бажарилмаслигини билдириб, кейинги блокда келтириб ўтилган ифодани экранга берилиши билдиради.

IF инструкцияда келтириладиган else блоки мураккаб масалаларни ечиш имкониятини беради. PHP4 тилида эса, янада мураккаброқ бўлган шартларни текшириш имкониятлари мавжуд бўлиб бу шартларни биз кейинроқ келтириб ўтамиз.

***IF инструкциясининг elseif блокидан фойдаланиш***

If – elseif - else конструкцияси ёрдамида бир неча шартларни текшириш имконияти мавжуд бўлиб, унинг умумий схемасини қуйидагича келтиришимиз мумкин:

If (1-шарт)

{

//бу блокдаги ифодалар шартни текшириш натижаси рост бўлганда бажарилади

}

elseif (2-шарт )

{

// бу блокдаги ифодалар 1-шартни текшириш натижаси ёлғон ва 2-шартни текшириш

//натижаси рост бўлганда бажарилади

}

```
else
{
// бу блокдаги ифодалар бошқа барча ҳолатлар учун бажарилади
}
```

Агар биринчи шарт бажарилмаса, у ҳолда биринчи блок ташлаб ўтилади. Elseif блокида иккинчи шарт текширилади, агар 1-шарт бажарилмаса 2-блокдаги ифода бажарилади. Агар 2-шарт ҳам бажарилмаса, у ҳолда охирги блок бажарилади.

Келтириб ўтилган схемани янада мустаҳкамлаш мақсадида битта мисолни кўрайлик ва уни тахлил қилайлик:

Аввалги мисолдагилар каби $mod ўзгарувчи sad берилган ва happy билан солиштирилади. Лекин elseif асосида шарт текширилганда $mod ўзгарувчи sad билан текширилади, бу ҳолда эса, шарт бажарилади. Шунинг учун ҳам 2-блокдаги ифода бажарилиб, экранга «Ажойиб натижа» ёзуви чиқарилади.

***Файлларни документга боғлаш.***

Ҳар бир PHP документни include() директиваси ёрдамида файлга боғлаш мумкин. Шундан сўнг боғланган файлдаги PHP программа матнидаги файл экранга берилади. Бу битта дастурда бир нечта ҳужжатлар билан ишлашни осонлаштиради.

Айтайлик, биз бир нечта ҳужжатлар билан ишлаш имконига эга дастур яратдик. Бизда бу дастур матнини кўрсатилган ҳужжат файлига ёзиш имконига эга бўлади. Лекин дастурда хатолик мавжуд бўлса, ҳар бир ҳужжатда ўзгартиришга тўғри келади. Include() инструкцияси бизни бу қийинчиликлардан ҳоли этади. Биз ўз дастуримизни битта ҳужжатга ёзишимиз ва уни бошқа ҳужжатларга боғлашимиз мумкин. Include() инструкцияси битта аргумент талаб қилади. У ҳам бўлса боғланаётган ҳужжат файлига йўл. Қуйидаги мисолда оддий PHP программасини мавжуд файлга боғлаш келтирилган.

Include() функциясидан фойдаланиш.

```
<html>
<head>
<title>  Include() функциясидан фойдаланиш </title>
</head>
<body>
<?php
Include ("eg10.2.php");
?>
</body>
</html>
```

Бу мисолда Include() функцияси eg10.2.php файлидаги «Мен Include() функциясига боғланганман» ёзувини дастурга боғлайди. Дастур бажарилиши натижасида экранга eg.10.2.php ҳужжатидаги ёзув чиқарилади. Бунда боғланган файл HTML матни каби қайта ишланади.

Мисолга боғланган файл ичидаги ёзув.

*I have been include*

Агар боғланган файл PHP дастур каби қайта ишланишини ҳоҳласак, уни PHPнинг бошловчи ва якунловчи теглари билан ўраб қўйишимиз лозим. Бу фикримизга асос сифатида қуйидаги мисолни кўриб ўтайлик.

Include() функцияси ёрдамида PHP блокнинг бажарилиши.

```
<html>
<head>
<title>  Include() функцияси ёрдамида PHP блокнинг бажарилиши </title>
</head>
```

```
<body>
<?php
include ("eg10.4.php");
?>
</body>
</html>
```

PHP программа боғланган файл.

```
<?php
print "I have been included!!<br> ";
print "But nov I can add up… 4+4=".(4+4)
?>
```

PHPга боғланган файл функция талаб қилган қийматни қайтаради. Return оператори эса, функцияга боғланган файл ишини тўхтатади. Қуйидаги мисоллларда қиймат қайтарувчи include() функциясидан фойдаланиш келтирилган.

Қиймат қайтарувчи include() функциясидан фойдаланиш.

```
<html>
<head>
<title>  Қиймат қайтарувчи include() функциясидан фойдаланиш </title>
</head>
<body>
<?php
$addResult= include ("eg10.6.php");
print "The include file returned $addresult";
?>
</body>
</html>
```

Қиймат қайтарувчи боғланган файл.

```
<?php
$retval =(4+4);
return  $retval;
?>
Бу қатор хеч қачон экранга чоп қилинмайди
Return!
```

Олдинги мисолда келтирилган матн ҳеч қачон экранга чиқарилмайди, чунки у return оператори билан қиймат қайтаряпти. Бу имконият фақат PHP4 да мавжуд Эски версияларда бу дастур ҳатолик кўрсатади.

Include() инструкциясини шартли оператор ичида ҳам фойдаланиш мумкин. У ҳолда боғланган файл фақат шарт бажарилгандагина ишлайди. Масалан, қуйидаги мисолда Include() инструкцияси ишламайди.

```
$test=false;
if ($test)
{
   include("a_file.txt");
}
```

Агар Include() инструкцияси цикл ичида ишлатилса, у ҳолда бу функция ҳар бир итерацияда бажарилади. Қуйидаги мисолда Include() инструкцияси for цикли ичида ишлатилади. Бу дастурда циклнинг ҳар бир терациясида бошқа файл боғланади.

Include() функциясининг цикл ичида ишлатилиши.

```
<html>
<head>
<title> Include() функциясининг цикл ичида ишлатилиши </title>
</head>
```

```
<body>
<?php
for ($x=1;$x<=3;$x++)
   {
   $incfile=”incfile$x”.”.txt”;
print “…… $incfile<br>”;
include(“$incfile”);
print “<p>”;
    }
?>
</body>
</html>
```

Бу дастур бажарилиши натижасида учта алоҳида файллар: “incfile1.txt”, “incfile2.txt”, “incfile3.txt” боғланади.

PHPp тилида include() инструкциясига аналог ҳисобланган require() инструкцияси мавжуд. Бу инструкцияни ҳам циклларда ишлатиш мумкин, лекин бу функция қиймат қайтара олмайди.

$QUERY_STRING – бу сўров қатори хисобланиб бу қаторда керакли файл кичик  сўров орқали чақирилиб олинади. Масалан, main.php  да қуйидаги сатр мавжуд, бу нима иш бажаради.

```
if ($QUERY_STRING=="rah"){include("rah.php");}
```




бу ерда кўрсатилганидек (?) дан кейинги сўзни $QUERY_STRING ўқиб оладида берилган операторлар билан текшириб чиқади. Кейин  rah.php файлини чақириб олади.

## II.5. Web саҳифасининг структураси

Интернетнинг WWW хизмати кундан-кунга ривожланиб, мукаммал маълумотлар манбасига айланиб бормоқда. Унинг ёрдамида исталган сохада, исталган мавзуда ва истлаган вақтда маълумотларни қидириб топиш, улардан фойдаланиш, зарур бўлса улардан нусха олиш мумкин. Интернетнинг ушбу хизмат туридан фойдаланиш учун аввало мижоз компьютерида худди шундай имкониятларни яратиб берувчи махсус дастур таъминоти бўлиши зарур. Бундай дастур таъминоти браузер (Browsers) деб аталади.

Энг биринчи браузер CERN (Европа Физика Тадқиқотлари Маркази) ходими Тим Бернер томонидан кашф қилинган. АҚШнинг NSCA (Миллий Супер Хисоблаш Маркази) ходими Марк Андриссон ва бир нечта талабалар томонидан ишлаб чиқилган Mosaic браузери эса график маълумотларни экранда акс эттира олувчи биринчи браузер бўлган.

Браузер инглизча сўз бўлиб, кўринишни таъминлаш, кўрсатиш маъносини англатади.

Дунёда энг кўп фойдаланиладиган браузерлар Netscape Communication Navigator ва Internet Explorer лар ҳисобланади.

Бугунги кунда Netscape ҳамда Internet Explorer дан ташқари яна кўплаб Opera, FMSD Friada, MSICE, Web celerator, AtGuard, AdWiper каби браузерлар мавжуддир. Браузерларга қўйиладиган асосиий талаблардан бири бу интернетнинг WWW хизматидаги маълумотлар жойлашган web сахифаларини қайси технология ёрдамида ишлашидан, ҳамда қайси дастурлаш тилида ёзилганидан қатъий назар, ундан тўлиқ фойдаланиш имкониятларини яратиб беришдир. Бу талабга ҳамма барузерлар хам жавоб бера олмайди. Бунга мисол қилиб Netscape Communicator нинг Microsoft компаниясининг VisualBasic Script тили қўлланилган web сахифаларни экранда акс эттира олмаслигини келтириш мумкин.

Internet Explorer браузери эса ихтиёрий web сахифани хеч қандай муаммоларсиз кўриш ва ундан тўлиқ фойдаланиш имкониятини яратиб

беради. Opera браузерининг мухлислари эса уни жуда ихчам ҳажмда эканлиги учун яхши кўришади. Чунки бу браузер компьютер ташқи хотирасидан атига 2 Мб гина жойни эгаллайди холос. Унинг жуда хам тезкор ишлаши ва кўплаб Netscape ишлайдиган PlugIn лар Macromedia Flash, Acrobat Reader, Cosmo Player ларни ўзида акс эттира олиши унга бўлган қизиқишга сабаб бўлмокда.

Web сахифалар ва уларни узатиш хақида қисқача тўхталиб ўтайлик.

Шахсий электрон хисоблаш машиналарида форматлаштирилган электрон хужжат WYSIWYG (What You See Is What You Get) «Нимани кўраётган бўлсанг, ўшани оласан» принципида ишлайдиган матн тахрирлагичлар ёрдамида яратилади. Масалан MS Word, Lexicon, AmiPro кабилар ёрдамида.

Бундай дастурлар ёрдамида биз электрон хужжатни хохлаган шрифтда, ўлчамда, чап ёки ўнг томондан текислаган холда яратишимиз мумкин. Аммо биз ушбу электрон хужжатни интернет ёрдамида эълон қила олмаймиз. Сабаби, уни ўқимоқчи бўлган бошқа бир интернет мижозининг шахсий комьютерида биз фойдаланган матн тахрирлагич дастури ёки шрифтлар ўрнатилмаган бўлиши мумкин. Буни олдиндан айтиб бўлмайди. Ундан ташқари ушбу матнни очишга мўлжалланган «ойна» нинг ўлчамлари хақида хеч қандай маълумотларга эга эмасмиз. Шунинг учун хам ШЭХМларда фойдаланиладиган матн тахрирлагичлар ва уларнинг «формат» лаш усулларидан интернетда фойдаланиб бўлмайди.

Бундай ноқулайликларнинг олдини олиш мақсадида янги HTML (Hyper Text Markup Language) «гиперматнларни белгилаш тили» протоколи стандарти яратилди. Бу стандарт бир қанча махсус операторлар мажмуасидан иборат бўлган HTML дастурлаштириш тили бўлиб, унинг ёрдамида электрон хужжатларни интернетда бевосита эълон қилиш мумкин.

Протокол – бу компьютерлар орасидаги алоқа ўрнатилишида, маълумотларни қабул қилиши ва узатишда фойдаланиладиган сигналлар стандартидир. Яъни, компьютерлар протокол ёрдамида бир-бири билан

боғланади. Протокол тўғри бўлсагина, компьютерлар ўртасида алоқа ўрнатилади. Бу компьютерларнинг боғланиш тартиби ёки стандартидир.

HTTP (Hyper Text Transfer Protocol) эса гиперматнларни узатиш протоколи бўлиб, у тармоқ протоколлари ичида энг содда ва қулай протоколлардан хисобланади. Унинг асосий вазифаси «гипербоғланиш»дан ҳосил бўлган URL манзилли электрон хужжатларни ўқишга оид сўров (запрос)ни серверга жўнатиш (худди шу вақтда сўралаёттган хужжат жойлашган сервер билан алоқа ўрнатилади) ва сўралаётган хужжат олиб бўлингандан сўнг сервер билан алоқани узишдан иборат.

HTML форматида тайёрланган электрон хужжат HTML хужжат, web хужжат ёки web сахифа деб аталади. Агар электрон хужжатни тайёрлаш хақида гап борса, у холда хужжат HTML хужжат деб аталади, ушбу электрон хужжатни интернетда эълон қилиш ёки тарқатиш хақида гап борса, у холда бундай электрон хужжат web сахифа дейилади.

# III.БОБ. ТАДБИҚ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

## III.1. Web саҳифадан фойдаланиш йўриқномаси

Web сайтдан фойдаланиш учун apache дастурни ишга туширамиз. Бу дастур ишга тушгандан кейин Internet Explorer ни юклаймиз. Бу ойнадаги адреслар бўлимига http://127.0.0.1 ёки http://localhost ёзиб Enter тугмасини чертамиз. Шунда экранда қуйидаги ойна хосил бўлади.




Бу ойнада кўриб турганимиздек бизга керакли маълумотга ўтиш учун гуруҳлаб кичик бир ойналарга бўлиб чиқилган. Масалан, Asosiy банднинг Rahbariyat қисмига бориб сичқончанинг чап тугмасини чертсак ойнанинг қолган қисмида коллеж рахбарлари ҳақида маълумот чиқади. У қуйидаги ойнада келтирилган.



Агарда коллежнинг ахборот ресурс маркази билан танишмоқчи бўлсангиз, Asosiy банднинг Axborot Resurs Markazi қисмига бориб сичқончанинг чап тугмасини чертсангиз бас, ойнанинг қолган қисмида коллежнинг АРМи ҳақида маълумотлар чиқади. У қуйидаги ойнада келтирилган.



Коллежнинг фаолиятидан лавхалар ва турли сохаларининг фаолияти билан танишмокчи бўлсангиз у холда Faoliyat ойнасига мурожаат қилиб у ердаги бандларни устида сичқончанинг чап тугмасини чертамиз. Шунда қуйидагича ойна ҳосил бўлади.

Ойнада кўриб турганимиздек хар бир кафедра келтирилган. Бизга керакли кафедра ҳақида маълумот олмоқчи бўлсак шу кафедранинг устида сичқончанинг чап тугмаси чертсак бас, кафедралар остида шу кафедра ҳақида маълумот хосил бўлади.




Коллежда турли хил амалиёт ва лаборатория хоналари мавжуд бўлиб, бу хақида маълумот олмоқчи бўлсак Faoliyat бўлимидаги O'quv honalari бўлимининг устига келиб сичқончанинг чап тугмасини босамиз.




Коллеждаги иқтидорли талабалар билан танишмоқчи бўлсангиз Iqtidorli talabalar бандига мурожаат қилсангиз бас. Ойнанинг қолган қисмида иқтидорли талабалар ҳақида маълумот чиқади. Бу қуйидаги ойнада кўрсатилган.



# ХУЛОСА

«PHP технологияси асосида Фарғона компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежининг WEB сайтини яратиш» мавзусида диплом лойиха ишини бажаришга ҳаракат килдим. Диплом лойиха бир неча кисмлардан ва икки хил яъни матнли хамда электрон такдимот кўринишда яратилган. Биринчи кўриниши қилинган барча асосий ва технологик кисм матнли кўриниши хамда, иккинчи кўриниши диплом иши мавзуси буйича коллеж web-саҳифаси ишчи (программа) ҳолати.

Яъни компакт дискдан компьютер хотирасига  ўрнатиб web-саҳифани ишга тушириб фойдаланиш олдин дастурини ўрнатиб кейин ишга тушириш ва керак бўлса ўзгартириш киритиш имконияти мавжуд. Ҳар бир фойдаланувчи web-саҳифани ишга тушириб мактаб тўғрисида маьлумот олиш, керакли файлни қидириш, керакли натижани олиши мумкин. Web-саҳифа компьютерда ишга туширилиб, уни қандай структурада тузилаганлиги, коллеж тўғрисида маьлумотлар ва улардан фойдаланиб, амалий кўникмага эга бўлмаганлар ўз тасаввурларини ортириб керакли билим ва кўникмага эга бўладилар.

Ҳозирги кунда web-саҳифалар кўп жойларда қўлланиляпти. Масалан мактаб ва академик лицей, олий таълим муассасасида ва бошқа муассасаларда web-саҳифалар қўлланилиб яхши натижаларга эришмоқдалар. Web-саҳифани тайёрлаш давомида қўплаб дастурларни ўргандим. Web-саҳифалар асосан Macromedia Dreamwiver, Microsoft Front Pageда тайёрланади. Сабаби бу дастур яратувчи ёрдамида осонрок web-саҳифа имкониятларидан фойдаланиб яратилади. Айниқса мен web-саҳифани сервер билан ишлатишни ўргандим.

Ҳозирги кунда чет давлатлар талабаллари хам хозирда худди шундай оптималли web-саҳифаларларни Internet оркали компьютерда кўрмоқдамиз. Шу нарсаларга амин бўлдимки web-саҳифа анча содда, дизайнли, фойдаланувчини ўзига жалб этадиган, кам ҳажмли бўлишини билиб олдим. Албатта бу талабаларни бажариш учун чукур ва мустакил фикрлашга ундайди. Бир дастурдан бир неча жойда туриб фойдаланиш мақсадга мувофикдир. Мен келажакда яхши Web дастурловчи ва компьютер графикасидан фойдаланиб билимимни ошириш ва мустакил Ўзбекистон учун етук замонавий кадрлар бўлишга харакат киламан.

## ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. И.А.Каримов. Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори.«Шарқ» нашриёти . Тошкент – 1998 йил .
2. И.А.Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. «Шарқ» нашриёти. Тошкент – 1997 йил .
3. И.А.Каримов. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. «Шарқ» нашриёти. Тошкент – 1995 йил .
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Компьютерлаштиришни янада ривожлантириш ва ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори.
5. «Маърифат» газетаси 2002 йил 8 июнь.
6. А.А.Абдуқодиров, А.Ғ.Хайитов, Р.Р.Шодиев. Ахборот теҳнологиялари. «Ўқитувчи» нашриёти. Тошкент -2001 йил.
7. А.Р.Мадраҳимов , С.И.Рахмонқулова. Интернет ва ундан фойдаланиш асослари. Тошкент -2001 йил.
8. С.С.Ғуломов. Иқтисодий информатика. Тошкент -1999 йил.
9. М.Арипов, А.Хайдаров. Информатика асослари. Тошкент. “Ўқитувчи” -2002 йил.
10. А.Х.Маматқулов, В.Т.Хўжаев, Х.Зайниддинов. Интернетга кириш. «Хаёт» нашриёти, Андижон -2001 йил.
11. Т.Н.Нишонов « Windows, Word ва Internet тизимларида ишлаш» «Академия» нашриёти . Тошкент -2002 йил.
12. А.Қодиров. Иқтисодиёт назарияси. Тошкент -2002 йил.
13. Х.Раҳимова, А.Аъзамов, Т.Турсунов. Меҳнатни муҳофаза қилиш. «Ўзбекистон» нашриёти. Тошкент -2003 йил.
14. А.Эргашев. Умумий экология. «Ўзбекистон» нашриёти. Тошкент -2003 йил.

15. У.Юлдашев. Меҳнатни муҳофаза қилиш. «Меҳнат» нашриёти. Тошкент - 2001 йил.

**ИНТЕРНЕТ ТАРМОҒИДАН ФОЙДАЛАНИЛГАН WEB САҲИФАЛАР**

16. http://www.hlechanov.ru – Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси сайти.
17. http://youthcenter.freenet.uz – Ёшлар интернет маркази сайти.
18. http://vrs.uz – Компьютер графикаси, видео, анимация, мультимедиа, Web дизайн билан шуғулланувчи дизайн студия сайти.
19. http://www.uza.uz – Ўзбекистон Миллий Ахборот Агентлиги сайти.
20. http://www.dialup.freenet.uz – Интернет фойдаланувчилари учун информацион сайт

# ИЛОВА

Иловада асосий ойнада чиқадиган “kollej haqida” бўлимининг саҳифа кодини келтирамиз:

```
<html>
<head>
<meta http-equiv="Content-Type" content="text/html; charset=iso-8859-1" />
<title>Kollej haqida</title>
<link href="style.css" rel="stylesheet" type="text/css">
<script language="javascript" src="function_js.js"></script>
</head>
<body>
<table width="1000" border="0" cellspacing="0" cellpadding="0">
  <tr>
    <td align="center" bgcolor="#B1BFD6" class="sarl"> </td>
    <td colspan="3" align="center" bgcolor="#B1BFD6" class="sarl">Asosiy
<img src='image/strl.png' width='5' height='9'> Kollej haqida</td>
    <td align="right" bgcolor="#B1BFD6"><img src="image/close.jpg"
width="25" height="25" alt="Chiqish"
onClick="javascript:window.close();"></td>
  </tr>
  <tr>
    <td bgcolor="#B1BFD6" style="border-bottom:#999999 solid
5px"> </td>
    <td colspan="3" bgcolor="#B1BFD6" style="border-bottom:#999999
solid 5px">
      <marquee behavior="alternate" scrollamount="5" direction="left">
      <img src="image/banner.jpg" width="400"
height="75"></marquee></td>
```

```
            <td bgcolor="#B1BFD6" style="border-bottom:#999999 solid
5px"> </td>
          </tr>
          <tr>
            <td width="50" background="image/fon.gif"> </td>
            <td width="175" valign="top" class="meny_b">
                <table width="175" border="0" cellpadding="0" cellspacing="2">
              <tr>
                <td class="meny_s">Asosiy</td>
                </tr>
              <tr>
                <td width="200" class="meny" onMouseMove="move(this,'#999900')"
onMouseOut="move(this,'#FF9900')"><a href="http://www.gov.uz"
target="_blank">gov.uz</a></td>
              </tr>
              <tr>
                <td class="meny" onMouseMove="move(this,'#999900')"
onMouseOut="move(this,'#FF9900')"><a href="http://www.edu.uz"
target="_blank">edu.uz</a></td>
              </tr>
              <tr>
                <td class="meny" onMouseMove="move(this,'#999900')"
onMouseOut="move(this,'#FF9900')"><a href="index.php?q=about">Kollej
haqida</a></td>
              </tr>
              <tr>
                <td class="meny" onMouseMove="move(this,'#999900')"
onMouseOut="move(this,'#FF9900')"><a
href="index.php?q=rah">Rahbariyat</a></td>
              </tr>
```

```
<tr>
  <td class="meny" onMouseMove="move(this,'#999900')"
onMouseOut="move(this,'#FF9900')"><a href="index.php?q=arm">Axborot
resurs markazi</a></td>
</tr>
<tr>
  <td class="meny" onMouseMove="move(this,'#999900')"
onMouseOut="move(this,'#FF9900')"><a
href="index.php?q=new">Yangiliklar</a></td>
</tr>
<tr>
  <td> </td>
</tr>
<tr>
  <td class="meny_s">Faoliyat</td>
  </tr>
<tr>
  <td class="meny" onMouseMove="move(this,'#999900')"
onMouseOut="move(this,'#FF9900')"><a
href="index.php?q=kaf">Kafedralar</a></td>
</tr>
<tr>
  <td class="meny" onMouseMove="move(this,'#999900')"
onMouseOut="move(this,'#FF9900')"><a
href="index.php?q=uqit">O'qituvchilar</a></td>
</tr>
<tr>
  <td class="meny" onMouseMove="move(this,'#999900')"
onMouseOut="move(this,'#FF9900')"><a href="index.php?q=hona">O'quv
honalari </a></td>
```

```
              </tr>
              <tr>
              <tr>
                <td class="meny" onMouseMove="move(this,'#999900')"
onMouseOut="move(this,'#FF9900')"><a href="index.php?q=iqt">Iqtidorli
talabalar</a></td>
              </tr>
              <tr>
                <td> </td>
              </tr>
              <tr>
                <td class="meny_s">Xizmatlar</td>
                </tr>
              <tr>
                <td class="meny" onMouseMove="move(this,'#999900')"
onMouseOut="move(this,'#FF9900')"><a
href="index.php?q=res">Resurslar</a></td>
              </tr>
              <tr>
                <td class="meny" onMouseMove="move(this,'#999900')"
onMouseOut="move(this,'#FF9900')"><a href="http://www.ref.uz"
target="_blank">Ref.uz</a></td>
              </tr>
              <tr>
                <td class="meny" onMouseMove="move(this,'#999900')"
onMouseOut="move(this,'#FF9900')"><a
href="index.php?q=prog">Tuzuvchilar</a></td>
              </tr>
            </table></td>
```

<td width="550" valign="top" background="image/Wrinkls.jpg"><table width="100%" border="0" cellpadding="0" cellspacing="0">

<tr>

<td class="sarlavha">Kollej haqida</td>

</tr>

</table>

<table width="100%" border="0" cellspacing="0" cellpadding="0">

<tr>

<td><link href="style.css" rel="stylesheet" type="text/css">

<table width="100%" border="0" cellspacing="0" cellpadding="0">

<tr>

<td class="txt" align="justify"><div align="center"><img src="image/tashqik.jpg" width="520" height="414" /></div>“Farg’ona kompyuter tehnologiyalari kasb-hunar kolleji” Farg’ona vodiysidagi eng keksa o’rta maxsus o’quv yurtlaridan hisoblanadi. “O’zbekbirlashuv” ning 1956 yil 17 aprel 35 sonli qaroriga asosan. Farg’ona kooperativ tehnikumi 1956 yildan buyon mamlakatimiz savdo tashkilotlari va korhonalari hamda xalq ho’jaligining turli sohalarigaiqtisodiy yo’nalishlar bo’yicha kadrlar tayyorlab berib kelmoqda. Mamlakatimiz mustaqilligining 5 yilligida, ya’ni bozor iqtisodiyotiga o’tish birinchi bosqichda Matbuot kooperatsiyasida olib borilgan islohotlar bizning jamoamizni ham chetlab o’tmadi. Natijada Farg’ona vodiysida birinchi bo’lib “O’zbekbirlashuv” ning 1993 yil 5 maydagi 75 sonli qaroriga muvofiq “Farg’ona kooperativ tijorat kolleji” ga aylantirildi. O’sha yillari Respublikamizda sanoqli kollejlar mavjud edi. 1997 yilga kelib, Prezidentimiz tashabbusi bilan “Ta’lim to’g’risida” gi O’zbekiston Respublikasi qonuni va kadrlar tayyorlash “Milliy dasturi” qabul qilindi.“Farg’ona kompyuter tehnologiyalari kasb-xunar kolleji” 2003 yilda O’rta mahsus kasb hunar ta’limi Markazining 2002 yil 30 noyabrdagi 327-sonli hamda, Farg’ona viloyati hokimligi o’rta mahsus kasb-hunar ta’limi hududiy boshqarmasining 2003 yil 27 yanvardagi 7 sonli buyrug’I ga asosan, “Farg’ona kooperativ tijorat kolleji” bazasida rekonstruksiya asosida tashkil etildi.

Kasb-hunar kollejining umumiy yer maydoni 1,9 gektar. O’quv binolar soni 2 ta bo’lib, maydoni 2150 m2 maydonni tashkil etadi. Kasb huna kolleji loyiha bo’yicha 750 ta o’quvchi o’ringa mo’ljallangan.<br />

```
<table width="500" border="1" align="center" cellpadding="0" cellspacing="2" class="txt" bordercolor="#1272FC">
  <tr>
    <td width="30" align="center"><b>&#8470;</b></td>
    <td width="370" align="center"><b>Mutaxassisligi</b></td>
    <td width="90" align="center"><b>Kodi</b></td>
  </tr>
  <tr>
    <td align="center">1</td>
    <td valign="top">IKT Dasturlash</td>
    <td align="center">3261021</td>
  </tr>
  <tr>
    <td align="center">2</td>
    <td valign="top">IKT Biznes</td>
    <td align="center">3621110</td>
  </tr>
  <tr>
    <td align="center">3</td>
    <td valign="top">IKT Elektronika </td>
    <td align="center">3621081</td>
  </tr>
  <tr>
    <td align="center">4</td>
    <td valign="top">Buxgalteriya xisobi</td>
    <td align="center">3621041</td>
  </tr>
```

```
          <tr>
            <td align="center">5</td>
            <td valign="top"> Bank ishi</td>
            <td align="center">3340091</td>
          </tr>
          <tr>
            <td align="center">6</td>
            <td valign="top">Moliya</td>
            <td align="center">3540061</td>
          </tr>
          <tr>
            <td align="center">7</td>
            <td valign="top">Kompyuter va tarmoqlari ofis jixozlari</td>
            <td align="center">020001</td>
          </tr>
        </table></td>
      </tr>
    </table>
    </td>
          </tr>
        </table></td>
       <td width="175" valign="top" class="meny_b"><table width="175"
border="0" cellspacing="1" cellpadding="0">
        <tr>
          <td class="meny_s">Elektron darsliklar </td>
        </tr>
        <tr>
          <td class="meny1" onMouseMove="move(this,'#999900')"
onMouseOut="move(this,'#FF9900')"><a href="elek_dars/informatika/index.htm"
target="_blank">Informatika</a></td>
```

```
                </tr>
                 <tr>
                  <td class="meny1" onMouseMove="move(this,'#999900')"
onMouseOut="move(this,'#FF9900')"><a href="elek_dars/yul_harakati/index.htm"
target="_blank">Yo'l harakati qoidalari </a></td>
                </tr>
                <tr>
                  <td class="meny1" onMouseMove="move(this,'#999900')"
onMouseOut="move(this,'#FF9900')"><a href="elek_dars/Qishloq/INDEX.HTM"
target="_blank">Shaxsiy kompyuter arxutekturasu</a> </td>
                </tr>
              </table></td>
              <td width="50" background="image/Fon_1.gif"> </td>
            </tr>
            <tr>
              <td height="75px" colspan="5" valign="top" bgcolor="#B1BFD6"
style="border-top:#999999 solid 5px"><table width="100%" border="0"
cellspacing="0" cellpadding="0">
                <tr>
                  <td align="center" class="sarl">Asosiy <img src='image/strl.png'
width='5' height='9'> Kollej haqida</td>
                  </tr>
              </table></td>
            </tr>
          </table>
          </body>
          </html>
```

## МУНДАРИЖА

**КИРИШ**........................................................................................................ 3

**I.БОБ. ИНТЕРНЕТ ВА УНДАН ФОЙДАЛАНИШ**…………………... 8

I.1. Таълим тизимига ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ……………………..………………………….………………...... 8

I.2. Internet тармоғида ишлаш …..............................……………………… 19

**II.БОБ. PHP ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ФАРҒОНА КОМПЬЮТЕР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ КАСБ ҲУНАР КОЛЛЕЖИ WEB САЙТИНИ ЯРАТИШ**.................................................................. 27

II.1. Ахборот технологиялари ва тизимлари хақида................................ 27

II.2. Web сахифа яратишда PHP дастурлаш тилидан фойдаланиш…….. 28

II.3. PHP дастурлаш тили. PHP ни ШЭҲМга ўрнатиш............................ 30

II.4. HTML ва PHP нинг биргаликда ишлатилиши.................................. 34

II.5. Web саҳифасининг структураси....................................................... 50

**III.БОБ. ТАДБИҚ ҚИЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ** ……………........ 53

III.1. Web саҳифадан фойдаланиш йўриқномаси …………………….... 53

**ХУЛОСА**……………………………………………………………… 57

**ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ**…………………… 59

**ИЛОВА**....................................................................................................... 61